БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 151 (12.504) | Якшанба, 30 июнь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Меҳнат зафарлари

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

«Ташавтомаш» заводи ярим йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Қардош республикаларнинг колхоз ва совхозларига пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун минглаб прицеплар жўнатилди. Ҳозир пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш учун қатъий кураш олиб борилмоқда. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларидан илҳомланган завод коллективи ой охиригача қўшимча суратда камида 400 машина тайёрлаб беришга аҳд қилди. (ЎзТАГ).

1964 ЙИЛ ҲИСОБИГА ГЎШТ

ЯНГИЕР, 29 июнь, (телефон орқали). «Коммунизм» колхози чорвадорлари гўшт тайёрлаш 1963 йил планини йил бошидаёқ ортиғи билан бажарган эдилар. Социалистик мажбурият ҳам адо этилди. Давлатга салкам 90 тонна семиз гўшт топширилди. Ҳозир 1964 йил плани ҳисобига парранда гўшти сотилмоқда.

Ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда нўхат тайёрлаш плани 400 процент ва жун топшириш ярим йиллик плани ҳам бажарилди.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ, БИЗНИНГ ЖАНГОВАР ҚУРОЛИМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумида 1963 йил 21 июнда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар! Пленумимизнинг иши яхши, ишчанлик вазиятида ўтмоқда. Ўртоқ Ильичевнинг чуқур мазмунли докладида, партия ходимлари, фан, адабиёт, санъат арбобларининг нутқларида кўпгина қимматли фикр ва таклифлар баён қилинди.

Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ва бутун халқаро коммунистик ҳаракат билан ўз келишмовчиликларини ғоят кескинлаштириб юборганликлари сабабли Марказий Комитет аъзолари, бизнинг раҳбар партия ва совет активимиз Хитой Компартияси раҳбарларининг, бир томондан, Хитой Коммунистик партияси билан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун халқаро коммунистик ҳаракат ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш учун қилган ҳаракатларини билишлари зарур деб топилди. Бир томондан, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети билан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бошқа қардош партиялар ўртасидаги келишмовчиликларнинг моҳиятини батафсил сўзлаб беришни, халқаро коммунистик ҳаракатни янада жипслаштириш масалалари юзасидан партиямизнинг позициясини КПСС Марказий Комитети вакилларининг Хитой Компартияси Марказий Комитети вакиллари билан бўладиган учрашувида батафсил баён қилиб беришни КПСС Марказий Комитетининг Президиуми Суслов, Андропов ва Пономарев ўртоқларга топширди.

Пленумдаги ҳамма нутқлардан барча меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасида Коммунистик партия олдида, совет халқи олдида турган вазифаларни чуқур тушунилганлиги равшан кўриниб турибди.

Ҳозирги даврда бутун идеология соҳасидаги асосий ишимиз — барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва жамоат хўжалигига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва урф-одатлари сарқитларини тамомила йўқотишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник равишда камолотга етказишдан, чинакам маънавий маданият бойликларини вужудга келтиришдан иборат. Партия Программасида идеология ишимизнинг асосий йўли шу тариқа белгилаб берилган.

Социалистик жамият аъзоларининг онглилиги нечоғли юқори бўлса, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, меҳнатнинг коммунистик формаларини ва кишилар ўртасида янгича муносабатларни ривожлантиришда уларнинг ижодий активлиги ҳам шу қадар тўла ва кенг ривожланади, коммунизм қурилиши вазифалари шунчалик тез ва шунчалик муваффакиятли ҳал этилади.

Шу сабабли Марказий Комитетнинг Пленумини чақириш ва бу Пленумда коммунизм қурилишининг ҳозирги шароитида партия идеология ишининг вазифаларини муҳокама қилиш зарур деб топилди.

Ҳеч шубҳа йўқки, юксак савияда ўтаётган бизнинг Пленумимиз мамлакатда бутун ғоявий-тарбиявий ишни яхшилашга жуда катта таъсир кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳаммаси партия ва халқ олдида турган ҳаётий муҳим масалалар ҳақида гапирдилар. Сўзга чиққанлар ўртасидагина эмас, балки шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар ўртасида ҳам тўла якдиллик ва тўла монолитлик ҳукм сураётганлигини таъкидлаб ўтиш ёқимлидир. **(Гулдурос қарсаклар).**

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ—ХАЛҚНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ

Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм байроғи остида бутун совет халқини жипслаштирди, совет халқининг куч-ғайратини коммунистик қурилиш улуғ ишига сафарбар қилди ва мамлакатни комил ишонч билан ана шу порлоқ мақсад сари — коммунизм тантанаси сари бирдан-бир тўғри йўлдан олиб бормоқда. **(Гулдурос қарсаклар).** Улуғ Ленин ташкил этган ва чиниктирган Коммунистик партия — қудратли кучдир, ўртоқлар! Партия бўлмаганида, биз уюшмаган омма бўлиб қолур эдик. Ленинчи партиямизнинг бутун ҳаёти ва фаолияти ишчилар синфига, меҳнаткаш халққа хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси, меҳнаткаш халқнинг ҳаётий манфаатлари учун қаҳрамонона кураш олиб бориш намунасидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — халқнинг жанговар авангарди, унинг коллектив йўлбошчиси ва ташкилотчисидир. Партия билан халқ бир-биридан ажралмасдир. **(Гулдурос қарсаклар).** Ленинча революцион традицияларга содиқ бўлган партия халқни ташкил этмоқда буюк зафарларга ва ишларга илҳомлантирмоқда. Биз Ленин партиясининг доно раҳбарлиги туфайлигина социалистик революцияда ғалаба қозондик, совет ҳокимиятини қаттиқ туриб сақлаб қолдик, социализм ва коммунизм қурилишида, экономикамизни, фан ва маданиятимизни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдик. Эндиликда бу муваффақиятлар билан бутун прогрессив инсоният фахрланмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Душманлар партиямизнинг кучини жуда яхши билиб ва ҳис этиб турибдилар. Улар партияни емириш ва бу билан совет халқини етакчи ва ташкилотчи кучдан маҳрум этиш ниятида ҳамиша ўзларининг асосий кучларини сафарбар қилиб келдилар ва сафарбар килмоқдалар. Улар партияни емириш учун эса партия аъзоларини қириб ташлашни талаб қилиш шарт эмас, балки одамнинг қалбини ёки юрагини суғириб олгандек, идеяни, революцион марксча-ленинча идеологияни, яъни барча коммунистларни тош метиндек чиниктираётган, бирлаштираётган, жипслаштираётган нарсани партиядан суғуриб олиш керак, дейдилар.

Турли ёшдаги кишилар, турли жинс, ирқ ва турли миллатларга мансуб бўлган кишилар, саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хилма-хил соҳаларида ишлаётган кишилар, совет халқининг тинч меҳнатини қўриқлаётган жангчилар, фан, адабиёт ва санъат арбоблари ғоявий асосда, марксизм-ленинизм принциплари асосида бирлашмоқдалар. Марксизм-ленинизмнинг улуғ идеялари ҳаммамизни, барча коммунистларни бирлаштирмоқда. Партиямиз куч-қудрати ва енгилмаслигининг манбаи унинг мустаҳкам ғоявий ва ташкилий жипслигидадир. **(Давомли қарсаклар).**

Жаҳонда кўпгина турли-туман партиялар бўлган эди ва ҳозирда ҳам бор. Аммо бу партиялар орасида бизнинг партиямиз каби марксчи-ленинчи коммунистик, ишчи партиялар алоҳида ўрин тутади. Бу партиянинг куч-қудрати коммунистларнинг улуғ коммунизм иши тантанасига астойдил ишонганликларидадир, бу партиянинг куч-ғайрати шундаки, у ҳамиша ва ҳамма ишда марксча-ленинча назарияга амал қилади. Партия истиқболга зийраклик билан қараб, халқ олдида олга томон қилаётган ҳаракатимизнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини очиқ кўрсатиб бермоқда, оммада буюк ғайрат кўзғатмоқда, халқни жуда катта вазифаларни ҳал этишга бошлаб бормоқда. Социализмга душманлик қилиб, мамлакатимизга қарши курашганлар неча бор қонқора қақшадилар! Улар шу нарсани кўпданоқ тушуниб олганларки, коммунистлар партияси, бу партиянинг илмий жиҳатдан асослаб берилган сиёсати, революцион идеологияси, унинг революцион философияси — марксча-ленинча назария социализм, коммунизм қурилиши соҳасидаги ҳамма ишга тўғри раҳбарлик қилишни таъминлаётган, бу ишга ташкилий планли характер ва революцион кўламлар бераётган, бу қурилишда барча муваффақиятларни кўлга киритишни таъминлаётган асосий кучдир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Кекса совет ёзувчиларидан бири Константин Александрович Федин Пленумда сўзлаган нутқида партия тўғрисида, партиянинг жамиятимиз ҳаётидаги, адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги роли тўғрисида жуда яхши гапирди. Пленумда ҳозир бўлган барча ўртоқлар унинг ёрқин нутқини зўр эътибор билан тингладилар, чунки у ўткир сўзлар топди, образли иборалар билан таққослаб гапирди, партиямиз тўғрисида, совет ёзувчилари ва санъат арбобларининг партия ва халқ билан чамбарчас боғланганлиги ҳақида, социалистик реализмнинг қудратли кучи ҳақида, совет кишилари кекса ва ёш авлодларининг бирлиги тўғрисида бениҳоя зўр ишонч ва самимият билан гапирди. У совет адабиёти ва санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги принципига хилоф бўлган сохта идеяларни ижодий интеллигенциямизнинг миясига қуйишга уринаётган кишиларга ва буржуа пропагандасининг ижодий интеллигенция партиядан, халқдан ажралиб қолди, деган уйдирмаларини тарқатаётган кишиларга муносиб зарба берди.

Коммунистик партия — халқнинг танилган ва синалган йўлбошчисидир, ўртоқлар. Партия — халқнинг ташкилотчиси, айтиш мумкинки, янги жамият қурилишининг конструктори, совет халқининг раҳбар ва етакчи кучидир. Партия давлат ва ижтимоий тараққиётнинг энг мукаммал ташкилий формаларини ишлаб чиқмоқда. Ўз сафларида ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг энг илғор намояндаларини бирлаштирган ва омма билан чамбарчас боғланган партия доим халқ овозига қулоқ солади ва ички ҳамда ташқи сиёсатга тааллуқли энг муҳим масалалар юзасидан меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиб туради. Партия бутун ишимиз тобора яхши бормоғи учун, партия, бутун халқ коммунизм қурилиши улуғ ишида ўзларининг кучлари ва имкониятларидан тўлароқ фойдалана олишлари учун ҳар янги босқичда ўз сафларини қайта қуради ва ташкилий структуранинг даври ўтиб кетган звенолари ўрнига янги звеноларни барпо қилади. Партия халқ учун яшайди, партия халққа хизмат қилишни ўз фаолиятининг бутун моҳияти деб билади.

Менга бизда партия билети бўлмаса ҳам ўзларининг бутун вужуди юксак партиявийлик руҳи билан суғорилган кўп кишилар борлиги тўғрисида бир неча марта гапиришга тўғри келган эди. Енида партия билети бўлгани ҳолда, партиявийликдан фақат партия билетидан бошқа ҳеч нарса қолмаган баъзи кишилар ҳам бор. **(Залда жонланиш).**

Константин Александрович Федин партия аъзоси эмас, лекин у чуқур партиявий кишидир. Мана, ёзувчи Виктор Некрасовни олиб кўрайлик. Мен шахсан уни танимайман. У гарчи партия аъзоси бўлса ҳам коммунистга хос қимматли ҳислатлардан, партиявийлик туйғуларидан маҳрум бўлиб қолган. Аммо бу ҳол бизни таажжублантирмаслиги керак.

Партиявийлик — туғма хусусият эмас, бу хусусиятни турмуш вояга етказади. Бекарор кишилар ҳатто партия аъзолари бўла туриб, душман идеологияси таъсири остида партиявийлик туйғуларидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Мени Некрасовдаги бошқа бир нарса таажжублантирмоқда — у ўзининг ғоявий хатолари ботқоғига шу қадар ботиб, шу қадар айниб кетдики, партия талаб қилаётган нарсаларни ҳам тан олмаяпти. Бу нимани билдиради? Бу — партия йўлига қарши бориш демакдир. Буниси энди ҳаддан ошиб кетишдир.

Ҳар бир коммунист ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эгадир, аммо партия қарор кабул килиб, умумий йўлни белгилаганидан кейин партиянинг ҳамма аъзолари умумий бир сафга тизиладилар ва партиянинг коллектив фикри ва иродаси белгилаган ишларни бажара бошлайдилар. Ўзини партия аъзоси деб ҳисоблаган киши партиянинг у ёки бу масала юзасидан ўз фикрини айтиб, шу масалага муносабатини белгилаб олганидан кейин нотўғри позицияда турар экан, ўз фикрида қаттиқ туриб олар экан, у аслида партия аъзоси бўлмай қолади. Партия ўзларининг шахсий хато фикрларини партия қарорларидан, яъни бир маслакдаги одамлар улуғ армиясидан юқори қўядиган кишилардан халос бўлмоғи керак. Партия бундай кишилардан нечоғли тез халос бўлса, шунча яхши, чунки шундай қилиш билан партия тобора маҳкам жипслашиб, кучлироқ бўлиб қолади. **(Давомли қарсаклар).**

Пленумимизнинг ишида қатнашаётган Семен Михайлович Будённий жангчининг душманларга қарши жангда ишлатадиган қиличи доим тоза бўлиб туриши кераклигини яхши билади. Агар қилич занглаб қолса, жангчи уни улоқтириб ташлайди ва янгисини олади. Бизнинг ғоявий қуролимиз ҳам ана шундай. Бизнинг ғоявий қуролимизга сира ҳам занг тегмаслиги керак ва у ҳамиша ярқираб туриши лозим.

(Давомн иккинчи бетда)



Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев ва Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Ульбрихт. (Бу расм 1963 йил январда олинган).

В. Егоров фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

САМИМИЙ ВА ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

БЕРЛИНДА МИТИНГ

БЕРЛИН, 28 июнь. ТАСС мухбири **Е. Башмачников** хабар беради: Берлин шаҳар ратушаси олдидаги майдон одамлар билан лиқ тўлган. Бу ерда тўпланган берлинликлар Н. С. Хрушчевни шодиёна табрикладилар. Н. С. Хрушчев Шенефельд аэродромидан В. Ульбрихт ва Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбарлари билан бирга бу ерга келди. Н. С. Хрушчев, Германия Бирлашган социалистик партиясининг ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари ратуша балконига чиқадилар. Майдонда: «Яшасин Н. С. Хрушчев!», «Дўстлик!», «Ура!» хитоблари янграйди.

Германия Демократик Республикаси пойтахтининг аҳолиси номидан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Берлин обер-бургомистри Фридрих Эберт сўзга чиқади.

У, Н. С. Хрушчевга ва Вальтер Ульбрихтга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилади. Ф. Эберт Н. С. Хрушчев Шенефельд аэродромидан Германия Демократик Республикаси пойтахтининг марказигача келган вақтда аҳоли уни самимий кутиб олиши билан, ўз дўстига изҳор қилиши мумкин бўлган ҳамма туйғуларини изҳор қилганлиги ҳақида гапиради.

Изҳор қилинган ана шу дўстлик, муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари Берлин ва Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг ҳисларини ифода этади.

Ф. Эберт айтдики, Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездидан сўнг ва Н. С. Хрушчевнинг Берлинга қилган кейинги сафаридан сўнг ўтган бир неча ой мобайнида Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги, КПСС билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасидаги дўстлик алоқалари тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

Ф. Эберт дедики, Вальтер Ульбрихтнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан Н. С. Хрушчевнинг Германия Демократик Республикасига келиши бу атоқли арбобнинг ҳаёт меҳнати эътироф этилганлигинигина эмас, балки Германия Бирлашган социалистик партияси раҳбарлигида тинчлик учун ҳамда Германия Демократик Республикасида социализм қурилишини кенг авж олдириш йўлидаги курашда муваффақият билан олға бораётган бутун халқнинг ютуқлари ҳам эътироф этилганлигини кўрсатади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Биз, деди Н. С. Хрушчев, немис биродарларимиз билан биргаликда дўстимиз ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг 70 йиллигини байрам қилиш, унинг мардонавор кўлини қисиш ва унга ҳамда Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига социализм қурилишида ва тинчлик ишини мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилаш учун Германия Демократик Республикасининг пойтахтига келдик.

Биз Германия Демократик Республикаси пойтахтининг меҳнаткашларини, Германия тарихида биринчи социалистик тинчликсевар давлатнинг ҳамма ишчиларини, деҳқонларини, халқ интеллигенциясини табриклаймиз. Улуғ Октябрь ватани, Ленин ватани — Совет Иттифоқи коммунистлари ва халқлари номидан сизларни ва сизлар орқали, Маркс ва Энгельс ватанида биринчи бўлиб социализм қуриш йўлига тушиб олган ва марксизм-ленинизм революцион идеяларини амалга оширaётган кишиларни табриклаймиз.

Берлинлик ўртоқлар, деб давом қилди Н. С. Хрушчев, мен шуни айтмоқчиманки, сизлар социализм қурилишида ҳам пионерларсиз. Биз социалистик революция ишини биринчи бўлиб Шарқда бошлаб бердик, сизлар эса социализм қурилишини Ғарбда, Германиядек катта мамлакатда биринчи бўлиб бошлаб бердингиз. Рус мўъжизасининг ижодкорлари чинакам социалистик немис мўъжизасининг ижодкорларини қизғин, қардошларча табриклайдилар.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи овация билан кутиб олинди. Майдон устида Совет-Германия дўстлиги шарафига табрик хитоблари яна ва яна янграйди.

Тўлқинлантирувчи митинг охирида «Интернационал» куйланади.

Н. С. Хрушчев балкондан тушади ва В. Ульбрихт билан бирга очиқ машинага тушиб, ўзи учун ажратилган резиденция томон йўл олади. Азиз совет меҳмонини берлинликлар самимий табриклайдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ БЕРЛИН СТАНОКСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

БЕРЛИН, 29 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасида дўстона визит билан меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Марцандаги (Берлин теварагида) станоксозлик заводига борди.

Н. С. Хрушчев завод цехларида бўлди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан танишди. Корхона ишчилари Совет ҳукуматининг бошлигини самимий ва дўстона кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев билан биргаликда заводда В. Ульбрихт, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — ГДР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Штоф, Германия Бирлашган социалистик партияси Берлин округ раҳбарлигининг биринчи секретари П. Фернер, Катта Берлин обер-бургомистри Ф. Эберт ва ГДРнинг бошқа раҳбар арбоблари бўлдилар.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ 70 ЁШГА ТЎЛДИ

Вальтер Ульбрихт 1893 йил 30 июнда Лейпцигда ишчи — социал-демократ оиласида туғилди. 1908 йилда ўн беш ёшида, дурадгорга шогирд бўлиб ишлаётганида социалистик ишчи-ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кирди. 1910 йилда касаба союзи ва 1912 йилда Германия Социал-демократик партияси аъзолигига қабул қилинди.

Биринчи жаҳон уруши бошланган даврда Вальтер Ульбрихт социал-демократларнинг Карл Либкнехт бошчилигидаги сўл группасига мансуб эди. У бутун куч-ғайратини империалистик урушга қарши курашга бағишлади. Антиимпериалистик қарашлари учун кўп марта таъқиб қилинди ва қамоққа олинди. 1918 йилда у тюрьмадан қочишга муваффақ бўлди. Вальтер Ульбрихт дарҳол Спартак Союзига қўшилди ва Лейпцигда Германия Коммунистик партиясига асос солувчилардан бири бўлди. 1923 йилда Вальтер Ульбрихт Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ва секретари қилиб сайланди. У халқ манфаатлари учун, таҳдид қилаётган фашизм хавфига қарши Эрнст Тельман ва Вильгельм Пик билан биргаликда, ёнма-ён кураш олиб борди. 1928 йилда Вальтер Ульбрихт Веймар республикаси парламентига депутат қилиб сайланди. Германияда фашист террори бошлангач, Вальтер Ульбрихт подпольедаги Германия Коммунистик партияси раҳбарлиги составига кирди. Партия қарорига мувофиқ, гитлерчилар ваҳшийлигига қарши четдан кураш олиб бориш учун чет элга жўнади. Иккинчи жаҳон уруши даврида «Озод Германия» Миллий комитетининг аъзоси Вальтер Ульбрихт СССРда Германия фашизмига қарши бевосита фронтда кураш олиб борди.

Германия гитлерчилар фашизмидан озод қилингач, Вальтер Ульбрихт Вильгельм Пик билан биргаликда немис ишчилар синфи бирлигини тиклаш юзасидан муҳим ишларни бажарди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Вальтер Ульбрихт партияни, Германия Демократик Республикаси ишчилар синфи ва меҳнаткашларини ғалабадан ғалабага олиб бормоқда.

Германия Демократик Республикаси ташкил топгандан бошлаб Вальтер Ульбрихт Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари бўлиб ишлади ва Германияда биринчи ишчи-деҳқон давлатини барпо этишда актив иштирок этди. Германия Демократик Республикасининг биринчи президенти Вильгельм Пик вафот этгандан сўнг Халқ палатаси уни ўша вактда ташкил этилган Давлат Кенгашининг Раиси қилиб сайлади ва бу билан Германия Демократик Республикасининг энг олий вакили даражасига кўтарди. Халқ палатасининг Раиси профессор, доктор Иоганнес Дикман Вальтер Ульбрихтни Давлат Кенгаши Раислигига сайлаш ҳақидаги таклифини асослаб, жумладан, қуйидагиларни айтди: «Давлат Кенгаши раислигига биз орамиздан энг муносиб кишини — Эрнст Тельманнинг энг яқин сафдоши, Германия империализми ва милитаризмига қарши, ишчилар синфи иши учун ва халқимизнинг тинч яшаши учун Вильгельм Пик билан биргаликда эллик йил мобайнида кураш олиб борган Вальтер Ульбрихтни таклиф қиламиз. Республикамиз Давлат Кенгашига Вальтер Ульбрихтни бошлик қилиб сайлаб, бу билан азалдан актив бўлган, лаънати фашистларнинг босқинчилик урушидан сўнг қолган кул ва ахлат орасида, моддий ва ғоявий вайроналар орасида ҳаётни янгидан йўлга қўйган, ўз-ўзини бошқариш давлат органларини тузган ва ишчи ва деҳқонлар социалистик тинчликсевар давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида, шунингдек, Германиянинг тинчликсевар, демократик ва ягона давлат сифатида миллий қайта тикланиши учун курашда жуда катта хизмат қилган кишини сайлаймиз».

Германия Демократик Республикаси ишчилар синфининг манфаатлари йўлидаги фаолияти учун Вальтер Ульбрихт Германия Демократик Республикасининг олий мукофотлари, жумладан, Карл Маркс ордени, «Ватан олдидаги хизматлари учун» олтин ордени билан тақдирланди, 1953 ва 1958 йилларда унга «Меҳнат Қаҳрамони» фахрий унвони берилди. У «Меҳнат Байроғи» ордени, «1933—1945 йилларда фашизмга қарши курашчи» медали ҳамда немис ишчилар синфининг 1918 — 1923 йиллардаги қуролли курашида иштирок этганлиги учун медаль билан мукофотланган.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Бирор турист Америкага бориб қолса, махсус тайинлаб қўйилган кишилар унга нуқул Американинг бир томонини кўрсатишади, у уйига қайтиб келгач, мана Америка қандай жой экан, деб ўйлайди. Шу одамнинг ўзи янглишса ҳам гўрга эди, ҳаммадан емони шуки, у ўзининг хато таассуротлари ва қарашларини душман идеологияси ўзига зўр бериб тиқиштирган фикрни бирдан-бир гўғри фикр деб ҳамма жойда тарғиб қила бошлайди. Бундай ҳолларда нима қилмоқ керак, афтидан буржуа пропагандасининг найрангига учган бундай кишиларнинг хатосини тушунтириб қўйиш керак бўлиб қолур. Совет кишилари уларнинг хатоларини тушунтириб бермоқдалар. Шуни назарга олиш керакки, бизда бундай кишилар кўп эмас — бир неча ўн киши, эҳтимол бир неча юз кишидир. Бир неча миллионлаб, ўн миллионлаб совет кишилари, бутун халқ эса социализмни, коммунизмни ашаддий кўролмайдиган синфий душманларимизнинг найрангларини яхши биладилар ва тўғри баҳо берадилар.

Совет тузуми, коммунистик идеология душманларининг ҳамма ва ҳар қандай хуружларига, барча синовларга бардош берди. Биз ўзимизнинг революцион марксча-ленинча позициямизда қаттиқ турибмиз. Бу позицияларда қаттиқ туриб келдик, қаттиқ турибмиз ва бундан буён ҳам қаттиқ тура берамиз, чунки бу — бирдан-бир тўғри позициядир. Синфий душманларимизнинг позицияларига тойиб кетадиган, баъзи беқарор кишиларни бизга душман бўлган империализм идеологияси ботқоғига тортишга уринаётган кишиларни эса биз ўзганинг ногорасига ўйнайдиган, душманларимизнинг сўзини тақрорлайдиган кишилар деб ҳамиша қоралаб келдик ва қоралаймиз. Биз бундай кишиларга ё ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни қарор топтирадиган коммунизм қурувчиларнинг умумий марксча-ленинча байроғимиз остига қатъий ўтиб олингиз, ёки ана шу байроқ остидан чиқиб кетингиз, партия аъзоси деган юксак номни сотиб юрманглиз, дейимиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Коммунистик идеология, марксча-ленинча таълимот, образли қилиб айтганда миллионларнинг иродаси ва ҳаракатини, партия ва халқни мустаҳкам монолит бир куч қилиб бирлаштирадиган бамисоли цементдир. Бу ерда кўпгина инженерлар ўтиришибди. Мен эски қадрдоним, йирик бинокор ўртоқ Кучеренкони кўриб турибман. Барча бинокорлар каби у ҳам тош, шағал ва қум заррачаларини яхши цемент билан қотиштириб тош метиндек мустаҳкам иншоот барпо этилишини яхши билади. Эндиликда эса кишилар пишиқлиги жиҳатидан гранитдан қолишмайдиган маркаларидаги цемент тайёрлашни биладилар.

Бизнинг идеологиямиз ҳам ана шундай, ўртоқлар! Партия, унинг идеологияси, унинг марксча-ленинча таълимоти, унинг ташкилий жипслиги тош-метиндек мустаҳкамловчи шундай материалки, бу материал унинг миллионларча айрим заррачаларини, айрим индивидуумларини қудратли мочслит бир кучга айлантиради. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партиянинг кучи, унинг марксча-ленинча идеологиясининг кучи ҳаётда синаб кўрилган. Партия 60 йилдан кўпроқ вақтдан буён халқ иши учун курашмоқда ва марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимотига амал қилиб, галаба қозониб келмоқда. Коммунистик партия ўзининг улуғ асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленин раҳбарлигида ишчилар синфини, меҳнаткаш халқни 1917 йил Октябрида буюк галабага олиб келди, гражданлар уруши йилларида, гитлеризмга қарши уруш йилларида Совет Ватанини ҳимоя қилиш йўлида халқни уюштирди ва тинч яратувчилик ишида шундай муваффақиятларни қўлга киритдики, бу муваффақиятлар бутун дунёни қойил қолдирмоқда. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партиямизнинг кучини дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам биладилар. Дўстларимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан фахрланмоқдалар, душманларимиз эса унинг олдида даҳшатга тушмоқдалар. Капитализм дунёси идеологларининг капитализм халқ оммасини ўзига жазм этадиган идеяларга, коммунизмга зўр ишонч, коммунизм идеалларининг муқаррар тантана қилишига ишонч, меҳнаткашларни жипслаштиргани каби, халқни жипслаштирадиган идеяларга эга эмаслиги тўғрисида афсусланиб айтаётган гапларини бир неча бор ўқиган бўлсангиз керак!

— Бизда кишиларни бирлаштирувчи идеология йўқ, бирор нарсани ўйлаб топиш керак... — деб тан олмоқдалар монополистик капиталнинг энг кўзга кўринган сиёсатдонлари, — капитализм жозиба кучи эмас эмиш; аксинча, у, жиркантирувчи куч бўлиб қолди.

Ҳа, жаноб капиталистлар, империализм ўзининг вақшиёна моҳиятини батамом фош қилиб қўйди. Халққа ёт бўлган ҳамда халқларни эксплуатация қилувчи ва эзувчи бу тузумнинг тузалмас иллатлари ва нуқсонларини ҳеч қандай пардоз-андозлар яшира олмайди. Империалистлар, монополистлар ўз дунёсини «халқ капитализми», «эркин корчалонлик» жамияти, деб ҳар хил қилиб атамасинлар, уни ҳар хил либосга ўрамасинлар, барибир, капитализмнинг, империализмнинг халққа қарши моҳиятини ҳеч нарса ўзгартира олмайди.

Социализм дунёси ер юзидаги халқларга эски, умрини яшаб бўлган капитализм олдидаги ўзининг шубҳасиз афзалликларини намойиш қилиб кўрсатмоқда. Халқлар ҳам минг-минглаб мисоллар асосида социализмнинг афзалликларини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бироқ, бундан империализм дунёси ўз хоҳиши билан тарих саҳнасидан кетади, деган хулоса келиб чиқмайди. Йўқ. Империализм ҳалокатга маҳкум этилган бўлса ҳам, у барибир социализм тараққиётини тўсиш, халқлар онгини коммунизм кучларига ишончсизлик оғуси билан заҳарлаш умидидан воз кечгани йўқ.

БУРЖУА ИДЕОЛОГИЯСИГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРАЙЛИК!

Марксизм-ленинизм меҳнаткашларни ҳозирги замон жамиятида рўй бераётган процессларни тўғри тушунишга ўргатади. Бир вақтлар фақат орзугина бўлган коммунизм замонамизнинг буюк кучига, ер шарининг жуда катта территориясида амалда барпо этилаётган жамиятга айлангунга қадар халқ бахт-саодати учун курашчиларнинг қони тўкилган жуда катта йўл, шонли ғалабалар ва вақтинча муваффақиятсизликлар йўли бекорга босиб ўтилмаганлигини халқлар тобора равшанроқ тушуна бошладилар.

Янги дунё туғилибгина қолмасдан, у ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, у эндиликда планета аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўз байроғи остида тўплади. Бу билан фахрланмаслигимиз мумкинми, ўртоқлар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Буни қарангки, худди мана шундай шароитда буржуа пропагандаси қармогига илиниб, коммунистик қурилишимизнинг назарияси ва практикасини таҳқирлашга интилаётган кишилар ҳали ҳам учраб турибди. Биз бундай ҳолларга муроса қилолмайиз ва муроса қилмаслигимиз, балки халқнинг партияга ишончига путур етказишни истаган кишиларнинг ҳуружларига ва бўхтонларига қатъий зарба беришимиз зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу иш кўпинча тўғридан-тўғри қилинмасдан, балки идеология соҳасида тинч-тотув яшаш сингари юзаки қараганда унча зарарсиз бўлиб кўринадиган чақиришлари ўртага ташлаш йўли билан қилинмоқда.

Биз бундай фикрлар билан ҳеч качон келишганимиз йўқ, чунки идеология масалаларида доимо синфий позициялардан туриб ёндошдик. Ишимизга нимаики зарар етказса, биз унга қарши кураша берамиз. Зарпечак, бугдойлик ва бошқа бегона ўтлар даланинг энг ашаддий душмани эканлигини ҳар бир деҳқон билади. Шунинг учун ҳам у, маданий экинларни бегона ўтлардан авайлаб сақлайди. Маданий экинларни у, эҳтиётлик билан сақлаб ўстиради, бегона ўтларни эса шафқатсизлик билан юлиб ташлайди. Жамиятда ҳам биз худди шундай қилишимиз: ҳамма янги, революцион ғояларни, халқни жипслаштирадиган ғояларни авайлаб ўстиришимиз ҳамда олға томон ҳаракатимизга халақит берадиган, халқимизнинг жипслашувига халақит берадиган, партиямизга, унинг ҳаётбахш идеологиясига зид бўлган ҳамма нарсаларга қарши кескин кураш олиб бормоғимиз керак. **(Давомли қарсаклар).**

Мен илгари айтганимдек, марксча-ленинча идеология, партиянинг ташкилий бирлиги, образли қилиб айтганда, партияни монолит қилиб жипслаштирувчи цементдир. Цементнинг душмани — туз. Бетон қоришмасига туз ташлаб юборилса, цемент сира қовушмай қолади, бетон нураб тушади. Идеология соҳасидаги тинч-тотув яшаш ҳам ўзига хос туздир.

Душманлар идеология соҳасида тинч-тотув яшашга чақириш билан бизнинг идеологиямизга шундай туз ташлаб юборишни истамоқдалар. Нима учун шундай қилмоқчилар? Чунки уларнинг бутун фикр-хаёли партиянинг халқ ўртасидаги таъсирига путур етказиш, занфлаштириш, яъни оммани уюштирувчи ва йўналтирувчи кучдан маҳрум қилишдир. Уларнинг партияни ичдан бузишга қурблари етмайди: душманларнинг бундай ўринишларининг ҳаммаси барбод бўлди. Эндиликда улар партиянинг революцион руҳидан маҳрум қилишга — марксча-ленинча идеологияни қоралашга, унинг ижодий интеллигенцияга, бутун халққа таъсирини заифлаштиришга ва шу йўл билан партиянинг жонли танасини, ягона организмини бўлиб юборишга зўр бериб интилмоқдалар.

Коммунистик ва буржуазия идеологиясининг тинч-тотув яшашига рози бўлиш — биз учун азиз бўлган ҳамма нарсаларни қоралаш учун душманга имконият бериб қўйиш, бўхтонни рағбатлантириш, халқ онгини заҳарлашга ёрдам бериш, уюшқоқлигимизни бузиш, олға томон ҳаракатимизга ҳар тарафлама тўсқинлик қилиш демакдир. Биз бузғунчи буржуазия идеологиясигагина эмас, балки бизнинг орамиздаги унинг агентурасига ҳам синфий душманларимизнинг агентураси деб қараб унга қарши кураш олиб бордик, бундан бу-ён ҳам гоят муросасизлик билан кураш олиб борамиз.

Менинг фикримча, идеология соҳасида тинч-тотув яшашдек бизга ёт позицияни ҳимоя қиладиган кишиларга нисбатан хушёр бўлиб туриш ва уларга зарба бериш кераклигини ҳамма тушунади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўйлайманки, идеология соҳасида тинч-тотув яшаш ҳақидаги зарарли тезисга имзо чеккан ўртоқларнинг фамилияларини атамаётганлигим учун менга айб қўйилмаса керак. Буларнинг баъзиларини мен яхши биламан. Улар бу мактубга қўл қўяётган пайтда, нормал ҳолатда бўлмаган бўлсалар керак. Биз уларнинг софдиллигига шубҳа қилмаймиз. Улар яхши ўйлаб кўрганларидан кейин, ўз мактубларини қайтариб олганга ўхшайдилар, дўстлари улардан нега бундай бўлди, деб сўраганларида:

— Шайтон йўлдан оздирди! — деб жавоб қайтардилар. **(Залда кулги).**

Биз партияли кишиларни ҳам, партиясиз кишиларни ҳам умуман шайтон йўлдан оздирмаслигини истаймиз. Биз партия аъзосининг онги ва бурчи ҳар қандай шайтондан кучлироқ бўлишини истаймиз. Партиянинг фақат шундай аъзосигина ҳақиқатан жанговар коммунист бўла олади! **(Қарсаклар).**

Коммунизм душманлари бизни очиқ харбий тўқнашувда енга олмадилар. Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларини, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларини эсга олинг. Америка Қўшма Штатлари ядро қуролини монополия қилиб турган пайтни эсга олинг. Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, ҳаётимиздаги, курашимиздаги босқичлардир.

Сизларнинг кўпларингиз «Рус мўъжизаси» деган ажойиб фильмни кўрган бўлсангиз керак. Фильмни кўрганингда: Бир вақтлар қандай ҳолда эдиғу, омон қолдик, деган фикр ҳаёлингга келади! Омон қолдикки эмас, балки биринчи бўлиб ишчи-деҳқонлар давлатини барпо этдик, социализм қурдик, биринчи бўлиб космосга парвоз қилдик. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз, кекса авлод кишилари, фильмда кўрсатилган воқеаларни бу даврни фақат китоблардан ўқиб билган ёшларга қараганда бошқача ҳис қиламиз. Ёшларнинг баъзилари ўша вақтдаги воқеалардан даҳшатга тушсалар керак. Ахир, немис кинорежиссёрлари эр-хотин Торидайк бу фильмни артистларнинг иштирокисиз фақат ҳужжатли кадрлардан яратдилар. Ўша замонларни бошидан кечирган бизларда бу нарса ҳурмат ва ифтихор туйғуларини туғдиради, чунки ўша давргаги ажойиб кишиларни, меҳнат ва жанг қаҳрамонларини эсга оласан. Ҳа, оғир эди, лекин ўтган замоннинг қийинчиликлари бизнинг кўнглимизни чўктирмади. Аксинча, бу қийинчиликларни енгиш пафос ва ифтихор туйғусини қўзғатар эди, буларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам кишиларнинг руҳини кўтармоқда, уларда жанговар кайфият вужудга келтирмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Фильмни томоша қилар экансиз, мамлакатимиз ҳаётидаги ижобий воқеаларни ҳаққоний тарзда акс эттирувчи адабиёт ва санъат арбобларини «пардозловчилар» деб атаётган кишилар беихтиёр эсингизга тушади. Фильмдаги баъзи кадрлар ўша йиллардаги қийинчиликлар ва маҳрумликларни яхши кўрсатади. Шу билан бир қаторда бошқа кадрлар ҳам бор: мана, гитлерчиларнинг қисмлари шахдам қадам ташлаб келмоқдалар; совет кишилари белкурак ва замбил-ғалтак билан оғир меҳнат қилаётганликларини акс эттирувчи кадрлар ва шу билан бир каторда Америка ва унинг техникасини кўрсатувчи кадрлар бор. Нима учун душманни пардозлаб кўрсатишяпти-ю, бизни шундай кўримсиз аҳволда кўрсатишяпти? деб ҳеч ким айтмайди. «Рус мўъжизаси» фильмида ҳаёт ҳақиқати акс эттирилган. Ҳа, биз ҳақиқатан ҳам шундай кишилар эдик, ҳа, биз ана шу қийинчиликлар ва маҳрумликларнинг ҳаммасига бардош бериб, қолоқликдан тараққиёт сари ғоят катта йўлни босиб ўтдик. Мудҳиш, соя томонлар ҳам кўрсатилган, лекин буларнинг ҳаммаси ҳақконий, тўғри позициялардан туриб кўрсатилган. Бинобарин, биз ёзувчилар, санъат ва кино арбоблари ҳаётий воқеаларни безаб кўрсатсинлар, ноғўғри тасвирласинлар, деб талаб қилмаймиз. Йўқ. Биз уларга воқеликни қандай бўлса шундайлигича кўрсатинг, лекин уни ҳаётбахш позициядан туриб кўрсатинг, деймиз. **(Давомли қарсаклар).**

А. Макаренконинг «Педагогик поэма»сини эсга олинг, кимлар ҳақида ва қандай воқеалар ҳақида ёзганлигига назар ташланг. У тасвирлаган кишилар обивателларни, буржуазияни, Ғарб интеллигентини даҳшатга келтирган эди. Лекин ёзувчи ана шу кишиларни, ана шу безорилар, ўғриларни, балки орасида қотиллар ҳам бўлган кишиларни қандай усталик билан тасвирлади ва кўрсатди. Макаренко китобини ўқир экансиз, сизда унинг қаҳрамонларига ишонч ҳисси туғилади, эски тузумнинг мероси натижасида шундай аҳволга тушиб қолган бу кишилар ўзларининг энг яхши томонларини кўрсатишларига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳақиқатан ҳам улар ўзларининг шундай яхши ҳислатларини кўрсатдилар. **(Қарсаклар).**

Баъзи ёзувчилар — хўш, бизларни ҳаёт воқеаларини «пардозлаб», безаб кўрсатишга чақираётганлари йўқми? демоқдалар. Йўқ. пардозлаб кўрсатишга чақираётганимиз йўқ. Биз, ҳаққоний ёзишга, ҳатто энг ёмон, энг салбий воқеалар ҳақида ҳам ҳаққоний, ҳаётбахш позициядан туриб ёзишга даъват этмоқдамиз. Баъзи кишилар эса ўз асарлари учун темаларни, айтиш мумкинки, кир ўрадан олиб, совет халқи босиб ўтган, бошидан кечирган қийинчиликлар билан қўлга киритган ҳамма нарсаларни қора қилиб кўрсатишни истамоқдалар. Бундай кишилар яна биз уларнинг бу ишлари учун қарсак чалишимизни истамоқдалар. Буларга сатқаи қарсак кетсин! **(Қарсаклар).**

Масала бундай таҳлитда турибди: биз муайян маррага эришдик ва олға бормоқдамиз. Империализм идеологлари, коммунизмнинг ҳамма душманлари, бизнинг ана шу олға ҳаракатимизни тўхтатиб қўйишга зўр бериб уринмоқдалар. Улар ҳар қандай беқарор кишиларни ўз томонларига оғдириб олмоқдалар. Биз бундай кишиларга — халқдан ва партиядан ажралиб қолмангиз, марксча-ленинча байроқ. Коммунистик партиямиз байроғи остида умумий сафда турингиз! — демоқдамиз. Агар сизда революцион руҳ бўлса, халқ бахт-саодати учун кураш пафоси бўлса, душманларга нафрат туғуни ва ўз халқингизга, унинг кучларига ишончингиз бўлса, — марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғи остига тўпланингиз, демоқдамиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Синфий душманларга нисбатан нафрат бўлиши керак, чунки душманга нафрат билан қарай олмасанг, ўз халқинг учун, коммунизм учун яхши курашчи бўла олмайсан.

Бу байроқ остида туришни истамаётган, аксинча, шиддатли кураш бораётган пайтда, бизнинг қўлимизни тутиб, бизга халақит беришга интилаётган ўртоқларга биз — бу ишни тўхтатинг, чунки сиз синфий душманларимиз томонида туриб муштлашмоқчи бўляпсиз, деймиз. Мабодо сиз бу муштлашишга аралашадиган бўлсангиз, шуни билиб қўйингки, муштлашиш вақтида сизга шафқат бўлмайди, сизни мажақлаб ташлайдилар!

Ҳа, ўртоқлар, ҳозир халқаро майдонда шиддатли синфий кураш бормоқда. Душманлар бизнинг марксча-ленинча идеологиямизга ҳужум қилмоқдалар, кишилар қалби ва онгини заҳарлашга интилмоқдалар. Агарда бу курашда душманларнинг ғоявий хомийлари тирсагимиздан ёки оёғимиздан ушламоқчи бўлсалар, ошкора душманларимиз билан бир қаторда улар ҳам зарбамизни есалар биздан ўпка қилмасинлар. **(Залда кулги).** Кураш шунақа бўлади. Баъзан билиб, баъзан билмай қаттиқ мушт туширадилар. Шундай қилиш яхши: кими йўлдан адашмайдиган, ўз кишиларини ўрмайдиган, синфий душманларга ёрдам бермайдиган, империализм идеологларига хизмат қилмайдиган бўлади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизнинг коммунизм қурувчилар лагеридан бошқа лагерга ўтган киши эртами-кечми ўз халқи олдида жавоб беради. Николай Васильевич Гоголь Тарас Бульба ўғли Андрейнинг душман томонига ўтганлиги учун ўз кўли билан ўлдирганлигини яхши кўрсатган. Кураш мантики ана шундай.

Эндиликда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган империализм кучлари билан социализм, коммунизм кучлари ўртасида ғоят шиддатли кураш бормоқда. Тарас Бульба миллий кураш олиб борган эди, бизда эса синфий кураш олиб борилмоқда, синфий кураш эса шиддатлироқ, қаттиқроқ бўлади. Синфий кураш миллий чегараларни билмайди, чунки золимлар ва мазлумлар — бирор қандайдир муайян миллат ичидаги воқеа эмас, у, қариндошуруғчилик, оила алоқаларини билмайди. Буни Михаил Александрович Шолохов ўзининг «Тинч Дон» китобида айниқса ёркин кўрсатди, бошқа ёзувчилар ҳам тасвирлаб кўрсатдилар.

Тўғри, баъзи ўртоқларнинг бу масалада ҳам ўзларининг алоҳида фикрлари бор, улар ижтимоий воқеаларга баҳо беришда синфий нуқтаи назарни кўпинча миллий, ирқий нуқтаи назар билан алмаштирадилар. Бироқ, биз ўз партиямизнинг тили билан гапирамиз, партиямизнинг тушунчасини ифодалаймиз, партиямиз қарорларида айтилганларни деймиз.

Биз мамлакатимиз, бутун социалистик халқлар ҳамдўстлиги шундай мавқега эга бўлганликлари билан қувонамиз ва фахрланамизки, эндиликда душманлар бизлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлибгина қолмасдан, балки айтишим мумкинки, биздан кўрқадиган бўлиб қолдилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципини биз ташки сиёсатимизнинг бош йўли деб ҳисоблаймиз ва бу йўлни изчиллик билан амалга оширамиз. Тинч-тотув яшаш принципининг тўғридигини ҳаёт батамом тасдиқлади. Буни империализм лагеридаги кишилар ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Мисол учун Даллесни олиб кўринг, унинг ана шу сўзларни айтишга сира тили бормас эди.

Мен Америкада, Англияда, Францияда бўлган вақтимда, музокаралар вақтида тинч-тотув яшаш нима эканлигини узоқ тушунтиришга тўғри келди. Қўшма Штатларда президент Эйзенхауэр билан музокаралар вақтида шу нарса равшан бўлиб қолдики, у, давлат секретари Гертер сингари тинч-тотув яшаш деган сўзларни айта олмас экан.

Бироқ, биз социализм кучларининг қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги саботли механизмимиз билан, тинчлик йўлида олиб борган курашимиз билан шунга ўргатдикки, Америка Қўшма Штатларининг давлат арбоблари ҳам тинч-тотув яшаш деган сўзларни яхши талаффуз қиладиган бўлиб қолдилар. **(Залда кувноқ жонланиш. Қарсаклар).**

Хўш, қандай воқеа рўй берди, қандай ўзгаришлар содир бўлди? Сўзлар ўшандайича қолди, бу сўзларнинг мазмуни ҳам ўзгармай қола берди. Халқаро майдондаги кучлар нисбати ўзгарди.

Биз тинчликни ёлвариб олиб бўлмайди, балки уни курашиб қўлга киритиш мумкин, деймиз, биз мана шу тинчликни курашиб қўлга киритмоқдамиз? Биз тинчликни қандай қўлга киритдик ва киритмоқдамиз? Дуо-ибодат биланми? Йўқ. Биз тинчликни ўз меҳнатимиз билан, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг меҳнати билан қўлга киритдик, қудратли социалистик давлатни вужудга келтирдик, фанни ривожлантирдик, ўз халқимиз маданиятини оширдик, Қуролли Кучларни барпо этиб, уларни энг замонавий жанговар воситалар билан таъминладик. Буни тинчликни «ёлвориб олиш» деб бўладими, ахир? Биз социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати йўли билан тинчлик ишини сақлаб қолдик. Эндиликда империалистлар биладиларки, Совет Иттифоқига ҳужум қилиш (улар эса ҳужум қилишлари мумкин, албатта ва бу хусусда ҳеч қандай гарантия бериш мумкин эмас, биз буни гапириб келдик ва яна такрор айтамиз), Совет Иттифоқига ҳужум қилиш — ҳозирги вақтда бутун империализмни ҳалокат хавфига дучор қилиш. ўз-ўзини ўлдириш демакдир. Империалистлар яхши биладиларки, улар бизга ҳужум қилган тақдирда, қақшатқич зарбага учрайдилар.

АҚШ президенти Кеннеди, кучлари ячитдан чамалаб чиқиш керак, социализм кучларининг қудратини ҳисобга олиш ва у билан ҳисоблашиш керак, Совет Иттифоқи билан ўз муносабатларимизни ўзгартириш керак ва ҳоказо, деб тўғри хулоса чиқарди.

Кўряпсизми, эндиликда Қўшма Штатлар президенти масалани қай таҳлитда қўяётир? Бундан, ўртоқлар, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида янгича муносабатлар тонги бошланди, деб хулоса чиқариш мумкин эмас, албатта — бундай деб ўзимизни юпатишимиз керак эмас. Йўқ! Лекин бизнинг кучимиз ҳақида АҚШ президенти, империалистик лагернинг раҳбари гапира бошлагани диққатга сазовордир. Унинг бундай сўзлари ўз иттифоқчилари учун руҳлантирадиган сўзлар эмас. Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари бундай гапларни айтаётган эканлар, Норвегияда, Данияда, Италияда, Францияда нима деб ўйлашлари мумкин? Франция президенти де Голлнинг: ҳозир «Америка Қўшма Штатларининг соябони остида бўлиш» сира ҳам хавфсизлик таъминланди деган гап эмас дейиши бежиз эмас. Шу сабабли, дейди де Голль, Франция ўз соябонига эга бўлиши керак. Франция президентининг фикрича, унинг ўз атом қуроли ишончли «соябон» бўлмоғи керак. Лекин «атом соябони» вужудга келтириш оддий иш эмас, бунда айтиш мумкинки, иштондан ҳам, соябондан ҳам маҳрум бўлиб қолиш мумкин! **(Залда кувноқ жонланиш). Қарсаклар).** Бу «атом соябони» жуда катта кучларни, жуда катта маблағларни талаб қилади.

Қудратли ядро қуролини вужудга келтириш жуда қимматга тушишини ҳамма яхши билади. Лекин биз, ўртоқлар, шундай қилишга мажбурмиз, чунки биз буни унутиб қўйсак, агар биз бугун қуроллашишга капитал маблағ сарфлашни ва унинг учун воситаларни аямас, эртага кон тўкилишига, миллионларча кишиларнинг қони тўкилишига ва қурбон бўлишига тўғри келади. Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари халқлар хотирасидан кетгани йўқ, яралар энди битиб қолди ва бу яралар мамлакатимиз гитлерчиларнинг вахшиёна ҳужуми натижасида нималарни бошидан кечирганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳозирги вақтда шундай хулосага келиш мумкинки, империалистлар ўз кучларига ишончи тобора кўпроқ йўқотмоқдалар, улар уруш йўли билан воқеалар жараёнини ўзгартириш, мамлакатимизда коммунистик қурилишни, бошқа мамлакатларда социализм қурилишини тўхтатиб қўйиш, прогрессив кучларнинг империализм ва мустамлакачиликкa қарши ҳаракатини тўхтатиб қўйишга бўлган ишончларини йўқотмоқдалар. Империалистлар мабодо янги жаҳон уруши ни бошласалар, иккинчи жаҳон урушини бошлаган Гитлер учун бу уруш қандай қақшатқич ҳалокат билан тамом бўлган бўлса, ундан ҳам кучлироқ ҳалокат билан тугашини тобора кўпроқ тушунмоқдалар.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДАГИ ЮТУҚЛАРИМИЗ—МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ИДЕЯЛАРИНИНГ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛГАНЛИГИДИР

Шуни биласизларки, халқаро империализм гражданлар уруши ва Совет Россиясига қарши бошлаган интервенция йилларида ҳарбий жанглардан маълубиятга учрагач, курашни иқтисодий фронтга кўчириш вазифасини ўз олдига қўйди. Империалистлар узоқ вақтгача Советлар мамлакатини танимай, у билан савдо-сотиқ қилмай, бизни блокада қилдилар. Бу сиёсат иккинчи жаҳон урушидан кейин, ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Америка Қўшма Штатлари биз билан савдо-сотиқ қилаётгани йўқ. АҚШда Америка фирмаларининг бизбан товарлар сотиб олишини ман этувчи қонун бор. Реакциянинг ашаддий кучлари ҳатто ман этувчи рўйхатларда кўрсатилмаган товарларни сотаётган фирмаларга ҳам қун бермаяптилар.

Хўш, бундан америкаликлар нима фойда кўрди? Ҳозир Америка Қўшма Штатларидаги савдо-саноат аҳли ўртасида шундай кишилар борки, улар Совет Иттифоқига ва социалистик мамлакатларга нисбатан иқтисодий блокада ўрнатиш сиёсати кўзланган мақсадга эришганликини эътироф қилмоқдалар. Америка Қўшма Штатларидаги савдо-саноат аҳли намояндалари бу сиёсатни қайта қараб чиқмоқ керак, деган гапни тобора тез-тез тилга олмоқдалар.

Империалистлар иккинчи жаҳон урушидан кейин бизнинг мамлакатимизни хийла вақтгача ўзини ўнглаб ололмаса керак деб ўйлаган эдилар. Улар АҚШ, Англия, Франция ва бошқа йирик капиталистик мамлакатлар Совет Иттифоқини ўз измига солиб олади, деб умид қилган эдилар. Лекин империалистларнинг бу мўлжаллари чиппакка чиқди.

Мен Совет Иттифоқи экономикасини ривожлантиришда эришилган ютуқларни кўрсатувчи рақамларни айтиб ўтмоқчиман. Мен бу масалада бирон бир янгилик айтмоқчи эмасман, чунки бизнинг сиёсатимиз ошкора бўлиб, экономикамизнинг ўсиш кўрсаткичларини ўзингиз биласиз. Лекин олим бўламан десанг такрор қил деган нақл бор. Тарақкиётимиз суръатлари ҳақидаги рақамларни бундан илгари ҳам неча марталаб айтиб берган эдим, ҳар гал совет экономикасининг ўсиши ҳақидаги рақамларга ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ўзингиз биласизки, коммунизм садосини, олға қараб шахдам ташлаб бораётган қадамларимиз садосини эшитамиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Мана, урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқи экономикасининг қандай ривожланганлигини акс эттирувчи баъзи бир рақамларни кўрсатиб ўтамиз.

Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан кейин ўтган 18 йил ичида совет халқи партия раҳбарлигида жуда катта ютуқларга эришди. Халқ хўжалигининг бир қанча энг муҳим тармоқларидаги ўсиш суръатларимизни ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳақидаги қуйидаги кўрсаткичлардан кўриш мумкин:

пўлат — 1945 йилдаги 12,3 миллион тоннадан 1962 йилда 76,3 миллион тоннага;

чўян — 8,8 миллион тоннадан 55,3 миллион тоннага;

прокат — 8,5 миллион тоннадан 59,2 миллион тоннага;

нефть — 19,4 миллион тоннадан 186,2 миллион тоннага;

кўмир — 149 миллион тоннадан 517 миллион тоннага;

цемент — 1,8 миллион тоннадан 57,3 миллион тоннага;

электр энергияси — 43 миллиард киловатт соатдан 369 миллиард киловатт соатга етди.

Бу, ўртоқлар, ажойиб рақамлар, кишини қойил қолдирувчи кўрсаткичлардир! **(Гулдурос қарсаклар).**

Эсингиздами, Сталин Ватан уруши тамом бўлгандан кейин кўп ўтмай сайловчилар ҳузурида сўзлаган машҳур нутқида ҳар йили пўлат ишлаб чиқаришни 60 миллион тоннага; нефть ишлаб чиқаришни 60 миллион тоннага етказишга эришиш вазифасини қўйган эди, у шунинг ўзини ниҳоятда юксак даража деб ҳисобланган эди. Биз Сталиннинг нутқида айтилган ривожланиш маррасидан ҳозир анча ўзиб кетдик, лекин коммунистик ишлаб чиқариш ва тақсимот усулига ўтиш учун шарт-шароитлар вужудга келтириш мақсадида биз ҳали жуда кўп меҳнат қилмоғимиз керак. Коммунизмга ўтиш халқнинг ниҳоятда зўр бериб фидокорона меҳнат қилишини талаб қилади.

Баъзи бировлар эса бу ишни анча осон ва тез амалга ошириш мумкин деб ўйламоқда. Коммунизм ҳазилакам гап эмас: жамият тараққиётининг ўз қонунлари бор, ана шу қонунларни билиш, бу қонунлар билан ҳисоблашиш зарур. Кимки, тараққиёт қонунларини писанд қилмайман деб ўйлайдиган бўлса, турмушнинг ўзи унинг таъзирини бериб қўяди.

Бизнинг партиямиз, совет халқи ўзининг коммунизм қуриш соҳасидаги бутун буюк ишини марксча-ленинча таълимот асосида уюштириб, мамлакат тараққиётининг ҳар қайси босқичида мамлакатда мавжуд реал шарт-шароитларни ҳисобга олмоқда. Мен айтиб ўтган рақамлар хўжалик қурилишида катта-катта ютуқларга эришганлигимизни яққол кўрсатиб турибди. Ҳаммамиз — партия, бутун халқ бу ютуқлардан хурсандмиз. Ахир умумий ишимиз учун жон куйдираётган киши бу хурсандчиликни — ҳақиқатни бўяб кўрсатиш деб айтиши мумкинми.

Албатта зўр ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. Лекин эътиборимизни нуқул камчиликларга қарата бермасдан, жангнинг бутун манзарасини, буюк ҳужум манзарасини ва ана шу жангнинг галабасини кўз олдимизда гавдалантиришимиз керак. Хўш, бу ҳужумда ким ютади-ю, ким ютқизади? Бизнинг партиямиз, халқимиз ютади. Ким ютқизади? Капиталистик дунё ютқизади. **(Давомли қарсаклар).**

Соцналистик индустриямиз тараққиётининг дастлабки қадамлари тўғрисида Коминтернинг 1922 йилдаги IV Конгрессида В. И. Ленин нақадар гурур билан гапирганини бир эсингизга олинг, ўртоқлар. «Биз оғир индустрияни оёққа бостириш учун зарур маблағларни тўпладик, — деган эди Владимир Ильич. — Дуруст, шу вақтга қадар тўпланган суммамиз йигирма миллион олтин сўмдан аранг ошиб тушади, лекин, ҳар ҳолда, бу сумма бор ва у бизнинг фақат оғир индустриямизни кўтариш учунгина белгиланиб қўйилган».

Ўша вақтдан буён биз нақадар улкан йўлни босиб ўтдик! Эндиликда етти йилликнинг фақат тўрт йили ичида 3.700 та янги йирик саноат корхонаси қурилди. Фақат давлатнинг (марказлашган ва марказлаштирилмаган) капитал маблағларининг ўзи ана шу тўрт йил ичида 126 миллиард сўм бўлди. Шу давр ичида давлатнинг асосий фондлари 100 миллиард сўм ёки бир ярим баравар кўпайди. Фондларимиз тўрт йилда бир ярим баравар кўпайди-я! Хўш, бу ҳақиқатни пардозлаб кўрсатишми, ўртоқлар? Йўқ. Бу — халқимиз тер тўкиб қилган меҳнатнинг, халқимиз амалга оширган ишларнинг самараси. Агар фидокорона меҳнат қилмаса,

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши иккинчи бетда).

Мамлакатимиз темир руда, сариёғ, қанд-шакар, жун газлама, металл қирқувчи станоклар, ёғоч-тахта ишлаб чиқаришнинг ҳам умумий ҳажми жиҳатидан, ҳам жон бошига ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидан ҳозироқ ўзиб кетди. Биз кўмир чиқариш ва цемент ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетдик. Биз пўлат эритиш жиҳатидан тез орада АҚШ-га етиб оламиз. Совет Иттифоқи саноат маҳсулотининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига — капиталистик дунёнинг ана шу танилган пешқадам мамлакатига етиб олибгина қолмай, балки ундан ўзиб кетадиган вақт узоқ эмас.

Биз империалистларнинг Совет Иттифоқини ҳарбий ҳужум қилиш йўли билан енгиш хусусидаги мўлжалларини чиппакка чиқардик. Энди биз уларнинг Совет Иттифоқини иқтисодий мусобақада енгамиз, деган умидлари пучга чиқмоқда.

Империализм бизнинг ҳаракатимизни уруш йўли билан тўхтатиб қўйиш мумкинлигига ишонмай қўйди, чунки бу уруш бутун капиталистик тузумни ҳалокат хавфи остида қолдирмоқда. Гитлер ўзининг осонгина ва тез Уралгача етиб бораман деган ахмоқона планини тузиб юрган замонлар аллақачонлар ўтиб кетганини империалистлар тушуна бошлади. Хозирги вақтда реваншчилар жойдан жилди дегунча, ўзи бошлаган ҳарбий авантюранинг дастлабки соатларидаёқ ер бетидан супуриб ташланади. Мен Ғарбий Германиядаги немислар билан неча марталаб суҳбатлашдим. Улар менга Ғарбдаги немисларнинг 95 процентга Совет Иттифоқига қарши қилинадиган авантюранинг бутун хавфини тушуниб турибди, буни тушунмаётган беш процент немис эса ақлдан озган кишилардир, деган гапни айтишди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан жанг қилиш — қирилиб кетишдан бошқа нарса эмаслиги Ғарбдаги немисларнинг асосий кўпчилигига равшан.

Бинобарин империалистларнинг бизни қуролли куч билан янчиб ташлаш ҳақидаги планы барбод бўлди. Шундан кейин улар боя айтиб ўтганимдек бизни иқтисодий йўл билан бўғиб ташлашга уриниб кўрдилар. Империалистлар социалистик мамлакатларни яккалаб қўйиш, уларнинг иқтисодий тараққиётини барбод қилиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Ленин империалистларнинг бу мўлжаллари ҳам чиппакка чиқарилди. Улар социализм мамлакатлари кучсиз ва камбағал деган афсоналарни тўқидилар. Капиталистик дунёда ана шу афсоналарга ишонадиган одамлар топилмоқда. Мен шарқлик бир шаҳзода билан суҳбатлашганимни, у Совет Иттифоқида келиб олган таассуротларини айтиб берганини илгари гапирган эдим. У бундай деган эди: жаноб Хрушчев, Россиянигизга келаётган вақтимда, менга у ёққа бора кўрманг, деб маслаҳат беришди, айтишларича, сизнинг мамлакатингизда коммунизм бор эмиш. Келиб кўрсам — мамлакатингизда ҳеч қандай коммунизм йўқ экан, коммунизм бизда деса бўлади, ҳамма аланғоғ юради. **(Залда кулги).** Империализм идеологлари одамларнинг миясига коммунизм тўғрисида қандай тасаввурларни сингдираётганини кўрдингизми.

Экономикани ривожлантиришдаги катта-катта ютуқларимиз империалистларнинг бўҳтончиликдан иборат ёлғон-яшиқ гапларини чиппакка чиқармоқда, социалистик системанинг буюк афзалликларини кўрсатиб турибди. Бу ютуқлар — маркса-ленинча назария, идеологиямиз тўғрилигининг, ижтимоий тузумимиз афзалликларининг далил исботидир. Бу ютуқлар капитализм — энг серунум тузум, хусусий мулк, хусусий соҳибкорлик, хусусий ташаббускорлик — экономикани ривожлантириб турувчи энг кучли омил деб исботлашга уринаётган империализм идеологларининг даъволари сохта эканлигини фош қилмоқда.

Мана, биз, коммунистлар, совет халқимиз ҳатто чор Россияси сингари иқтисодий жиҳатдан колоқ мамлакат ҳокимият меҳнаткаш халқнинг қўлига ўтгач, ўз ишлаб чиқаришини тарихан қисқа муддат ичида жуда баланд юксакликка кўтара олишини бутун дунёга исботладик: мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди, у жаҳонда биринчи ўринни эгаллайдиган вақт эса узоқ эмас. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Иқтисодий мусобақада ғалаба қилиш ҳақида гапирган вақтимизда гап фақат цемент билан металл устида бормайди, гап сиёсат устида, идеяларимизнинг кучи, маркса-ленинча назариянинг кучи устида, ана шу назария асосига қурилган планли экономиканинг афзалликлари устида, социалистик тузумнинг капиталистик тузумдан устунлиги ҳақида боради.

Капиталистлар рақобатнинг мана шундай шафқатсиз қонунларини биладилар: башарти бирон фирма иккинчи фирмадан ўзиб кетса, кучли фирма кучсиз фирмани ютиб юборади. Икки системанинг экономика соҳасидаги мусобақаси империалистларнинг юрагига тағин ҳам каттароқ даҳшат солмоқда: империалистлар социализмнинг тез ўсиши капитализм негизларини тобора тагидан зил кетказаётганини, бу тузумнинг тарихан муқаррар ҳалокатини яқинлаштираётганини кўриб турибдилар.

В. И. Ленин, партиямиз модомики, Улуғ Октябрь революциясидан кейин жаҳон бир-бирига қарама-қарши икки системага — капиталистик ва социалистик системага бўлиниб қолган экан, ана шу реал мавжуд фактни эътиборга олмасдан бўлмайди деган ҳулоса чиқардилар.

Социалистик дунё майдонга келган дастлабки кунлардан буён у билан капиталистик дунё ўртасида мусобақа бормоқда. Бу мусобақада қайси тузум қарор топади ва қайси тузум маглубиятга учраб, ўз ўрнини иккинчи тузумга бўшатиб беради, деган масала халқаро майдонда ҳал қилинмоқда. Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши халқаро майдонда синфий курашни бўшаштириб қўйиш керак деган маънони асло билдирмайди. Модомики, синфий кураш давом этаётган экан, идеология соҳасида тинч-тотув яшаб бўлмайди. Кимки, идеология соҳасида тинч-тотув яшашни ёқлаб чиқса, у билиб ёки билмай социализмга хиёнат қилиш йўлига коммунизм ишига хиёнат қилиш йўлига ўтиб қолади.

Кимки ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини, тинч мусобақа принципини инкор қилса, ишчилар синфининг революцион кучига, марксизм-ленинизм идеяларининг қудратли кучига ишончсизлик кўрсатган бўлади.

Фактлар—ўжар нарса. Коммунистик қурилишдаги ютуқларимизни кўрсатувчи фактлар бутун дунёга маълум ва бу фактларни эътиборсиз қолдириб ҳам, рад қилиб ҳам бўлмайди. Коммунизмнинг қудратли моддий-техника базасини яратаётган халқимизнинг меҳнати — бутун дунёдаги кишиларнинг онгига ғоят катта таъсир кўрсатаётган жуда кучли фактордир. Совет Иттифоқининг коммунистик қурилишдаги ютуқлари, бошқа социалистик мамлакатларнинг ютуқлари бутун дунё ишчилар синфининг ўз кучларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, мазлум халқларни озодлик учун курашга отлантирмоқда, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги интеллигенция онгига таъсир ўтказмоқда. социализм иши учун курашчиларни империализм кучларига қарши идеология соҳасидаги курашида қуроллантирмоқда.

Совет халқи коммунизм қуриш билан бутун инсониятнинг истиқболига йўл очиб бермоқда, бутун дунё меҳнаткашлари олдидаги ўз интернационал бурчини адо этмоқда.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТДА ВОҚЕЛИКНИ ҲАЁТБАХШ ПОЗИЦИЯЛАРДАН ТУРИБ АКС ЭТТИРАЙЛИК

Социализм ва коммунизм қурилишида Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар эришган ғоят катта ютуқлар империалистларнинг иқтисодий фронтда бизга путур етказишга боғлаган умидлари барбод бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Энди ликда душманларимиз асосий кучини социализм мамлакатларига қарши идеология кураши олиб боришга қаратди. Империализм идеологлари душман идеология ёрдамида бизни ичимиздан кўпориш ҳақидаги умидлар билан ўзини овунтирмоқда. Уларнинг тезиси мана бундай: Совет Иттифоқида маърифатли одамлар қанча кўпайса, совет тузумига ғоявий жиҳатдан заъба бериш шунча осон бўлаверар эмиш. Улар ўз газета ва журналларида бу гапни ошкора ёзмоқдалар. Империалистик пропаганданинг даъволарига кўра, совет кишиларининг моддий фаровонлиги ўсган сайин, маданияти ўсган сайин, улар партия раҳбарлигига қарши чиқадиган бўлар эмишлар.

Биз шуни билиб қўймоғимиз керакки, хозир душман ўзининг заҳарли ғоявий қуролини бизга қарши ишга қаттиқроқ жанглар қилиш учун чархламоқда. Бу ўринда, биласизми, граждалар уруши даврида кизил аскарлар айтган йўсиндаги гап бўлярти, қизил аскарлар ўша вақтда бундай дейишган эди: оқлар билан биз келиша олмайдиган битта жанжалли масала, жуда жўн масала бор, у ҳам бўлса — ер масаласи. Оқлар бизни ерга кўмиб ташлашмоқчи, биз эса оқларни кўмиб ташламоқчимиз. Ким кимни эртароқ кўмиб ташлар экан. Кичкинагина жанжалли масаламиз ана шу. **(Залда кулги).**

Капитализм билан бизнинг ўртамизда ҳам худди ана шундай масала бор. У социалистик системани кўмиб ташламоқчи, биз эса ҳийла чуқур ўра кавлашни хоҳлаймиз, хоҳлаймизгина эмас, кавлаб ҳам қўйганмиз ва бундан буён ҳам куч-қувватимизни сарфлаб, ана шу ўрани чуқурроқ кавлаверамиз ва капиталистик тузумни, эксплуатация, уруш ва талаш тузумини умрбод кўмиб ташлаймиз. Капитализмнинг емирилишига келганда эса, бунга шак-шубҳа йўқ. **(Гулдурос қарсаклар).** Лекин у ўз-ўзидан емирилмайди!

Бизнинг ютуқларимиз ҳамма капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфини янада катъий ва актив революцион синфий курашга руҳлантираверади. Биз эса коммунизм қураборяб, уларга ўз намунамиз билан ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз. Ўз озодлиги ва мустакиллиги учун курашаётган турли мамлакатларнинг халқлари ҳозирги кунда биздан ёрдам олиб турибдилар, эртага сса бошқа характердаги ёрдам кўрсатиш учун имкониятларимиз тағин ҳам кўпаяди.

Империалистларнинг идеология соҳасида диверсия қилиш ҳақидаги мўлжаллари ҳам барбод қилинишига шак-шубҳа йўқ. Бундан илгари социализм мамлакатларига қарши бошланган ҳарбий юришлар, социализмни иктисодий блокада билан бўғиб ташлаш ҳақидаги маккорликдан иборат планлар қандай барбод бўлган бўлса, империалистларнинг социализм кучларини кўпоришга уринишлари ҳам ана шундай барбод бўлади. **(Қарсаклар).**

Фан ва маданиятимиз тез ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи олий ўқув юртлари ҳар йили 120 минг янги инженер тайёрлаб чиқармоқда. Бу, Қўшма Штатлардагидан қарийб уч баравар кўпдир. Мамлакатимиз халқ хўжалигида Америкадагига нисбатан икки баравардан зиёд кўп дипломли инженерлар ишлаб турибди.

Америка Қўшма Штатларининг ички ишлар министри С. Юдолл ўтган йили Совет Иттифоқига келиб, электростанцияларимиз қурилиши билан танишди. С. Юдолл ютуқларимизга ғоят юксак баҳо берди ва унга тан бериш керакки, ўз таассуротларини Америкада бостириб чиқарди. Америка Қўшма Штатлари сингари кучли империалистик давлатнинг таъсирли арбоби учун коммунизм қураётган мамлакатимиз ҳақидаги ҳақиқатни айтиш осон иш эмас, албатта. Бу улар учун жуда аччиқ ҳақиқат, ўзингга мухолиф бўлган қудратли социалистик мамлакатнинг ўзингдан олдинда бораётганини айтиш осон эмас. Бу гапларни айтишга уларнинг тили бориши қийин. Баъзи бир сиёсий жиҳатдан гўр одамларимизгина ўз жонажон мамлакатини билмасдан тилларини калдиратмоқдалар. Юдолл эса нима деятганини билиб гапирди.

Фанни ривожлантиришда, космосни ўзлаштиришда буюк муваффақиятларга эришдик. Ернинг биринчи совет сунъий йўлдошини учирганимиздан кейин Американинг ашаддий бир генерали: — Ҳа, бунинг нимаси ажабланарли, бир парча темирни космосга учиришибдида, — деган эди. Унинг ўз ватандошлари ана шу бефаҳм одамни ўз номи билан айтиб, уни масхаралаб кулган эдилар. Совет Иттифоқи космосни тинч ўзлаштиришда жаҳонда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келаётганидан иборат шак-шубҳасиз фактни инкор этишга энди ликда ҳеч ким журъат қилолмайди!

Эртага сиз билан биз энди бешинчи ва олтинчи космонавтларни, космоса чиққан Ярославнамиз — Валентина Терешковани ва космонавт Валерий Быковскийни кутиб оламиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Ана бизнинг шавкатли ёшларимиз. Энди ликда бу ёшлар қанотсиз кемаларда шу қадар баланд, шу қадар тез учяпти!

Бизнинг совет кишиларимиз қанот билан яхши учиб келдилар ва учмоқдалар, энди ликда эса қанотсиз уча бошладилар, ҳеч қаерга қўнмасдан, ер шари атрофини неча ўн марталаб айланиб чиқмоқдалар ва биз ўз кемамизни қаерга қўндирамиз десак, ўша ерга бориб қўнмоқдалар!

Бу, ўртоқлар, халқимиз ақл-заковатининг, социализм кучларининг жуда катта ғалабаси, талантларни равнақ топтириш, халқнинг ижодий кучларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб берган улуғ ленинчи партиямизнинг ғалабасидир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Фақат факт ва рақамларгина бизнинг ғоят катта ютуқларимиздан изолат бериб тургани йўқ. Биз душманларимизни социализмнинг буюк кучини ошкора тан олишга, Совет Иттифоқининг ютуқларини тан олишга мажбур қилдик.

Сизларга бир «пардозчи»нинг мақоласидан парчалар ўқиб бермоқчиман. Пардозчиларнинг мухолифлари уни шу чоққача нима учун бирон марта қаттиқ танқид қилишмаганини билмайман. У «пардозчи»нинг номини ҳозир айтиб бераман.

Америка буржуа матбуотининг «Нью-Йорк таймс» газетасида «совет ишлари» бўйича етакчи мутахассиси ҳисобланадиган Гарри Шварц сингари ичкора вакили Совет Иттифоқининг ғоят катта ютуқларини тан олишга мажбур бўлди.

Америкада бўлган вақтимда Гарри Шварц билан учрашган эдим. Вагонда ўтган бир одатдан ташқари матбуот конференцияси эсимда. Гарри Шварц менга қараб: «Жаноб Хрушчев, Сиз менга ўғлим учун автограф ёзиб бермайсизми?» деб савол берди. Мен: «Сизга автограф бермайман», дедим. Кейинчалик бекор қизиққонлик қилганга ўхшайман, болага атаб автограф ёзиб берсам бўлармиди, ахир катта бўлганида боладан қандай одам чиқиши номаълум-ку. Балки отасига ўхшаган ичқора антикоммунист бўлмас, деган хаёлга бордим. **(Залда кулги).**

Мана Гарри Шварцнинг ёзган гапларига қулоқ солинг: «Совет Иттифоқининг сўнгги йигирма йил ичидаги ажойиб тарихи тўғрисида мулоҳаза юритган вақтингда, хаёлингда бенихоя афсонавий самандар қушнинг тимсоли гавдаланади. Ўтга солинган самандар қуш гулханнинг ўти сўниши биланоқ кулдан яна бош кўтариб, янги куч ва янги гайратга тўлган ҳолда қайта туғилган экан, дейишади- «Қизил самандар» — Совет Иттифоқи ҳам худди шундай воқеани бошидан кечирди... Иккинчи жаҳон урушидаги даҳшатли талафотлардан кейин миллий жиҳатдан тез ва кенг кўламда қайта тикланиб олганлиги Ғарбда туғилган илгариги ҳамма умидларни чиппакка чиқарди».

Ўртоқлар, қора мой суртувчиларимизнинг нуқтаи назаридан қараганда, бу ахир совет воқелигини пардозлаб кўрсатиш-ку. Шундай қилишга у қандай журъат этди экан?! **(Залда кулги).**

Бу — ҳақиқий реалликни ғоявий душманимиз мажбуран тан олиб айтган гаплардир. Душманларимиз Совет Иттифоқи тўғрисидаги ўзларининг ёлғон-яшиқ гапларини тўқиб, қанча қақрланмадилар, қанча заҳар сочмадилар дейсиз. Лекин турмуш тавбасига таянтириб қўйгач, душман ўзини ҳар томонга уриб, бу — афсонавий ҳол, деган гапларни айтмоқда.

Кулдан бош кўтариб қайта туғилган қуш ҳақида қадим замонларда чиройли бир эртак тўқилган эди. Ўзи мароқли, яхши эртак бўлса ҳам, бари бир эртак-да. Совет Иттифоқида юз берган ишлар эса — эртак эмас, ленинчи партиямиз раҳбарлигида совет халқининг меҳнати билан бунёдга келтирилган буюк воқеликдир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Гарри Шварц келажак тўғрисида мулоҳаза юритиб, бундай дейди: «Афтидан, Совет Иттифоқи яқин йилларда коммунистик маъмурчилик жамиятининг хусусиятларига эга бўлиб борадиганга ўхшайди. Эҳтимол 1970 йилгача ёки бундан сал кейинроқ Советларнинг қизил байроғи Ойдаги совет базаси узра якка ўзи мағрур ҳилпирай берса керак».

Чакки айтилмаган! **(Қарсаклар).**

Сўнгра Гарри Шварц қуйидагиларни ёзади: «Тушкунликларни, орқага қайтишни ва шунга ўхшаш тўсиқларни билмай, йилдан-йилга муттасил тез юксалиб боришнинг сеҳри ана шундан иборат». Тағин бу гапларни америкалик буржуа журналисти Гарри Шварц ёзибди-я!

Яна пардозлаб кўрсатиш! Қани биздаги пардозчиларнинг мухолифлари қора мой суртувчилар, буржуа журналисти совет тузумимизни пардозлаб кўрсатаётганига улар қандай чидаб туришибди? **(Залда кулги).**

АҚШ Ҳукумат энергетика комиссиясининг аъзоси Говард Морганнинг эътироф этиб айтган гаплари диққатга сазовордир.

У сўнгги 15 йил ичида Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари экономикасининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни пухта ўрганиб чиққандан кейин, гарчи ҳозирги вақтда Америка олдинда бораётган бўлса ҳам, лекин «руслар бизни кишини қўрқитувчи тезлик билан қувиб, етиб олмоқдалар» деган хулосага келди. Ахир бу ҳақиқатни пардозлаб кўрсатиш-ку! Мен пардозчилар мухолифларининг таъбини бир хира қилиб қўймоқчиман. **(Залда кулги).**

«Орқангга қарама: бирдан улар бизни қувиб етиб олаётган бўлиши мумкин» деган америкаликларнинг эски мақолини, — деди сўзини давом эттириб Морган, — ҳаммамиз биламиз. Ҳозир орқамизга қарасак ҳам, қарамасак ҳам бари бир. Улар ҳақиқатан ҳам бизга етиб одмоқдалар».

Бу гапларни Америка ҳукуматининг кўзга кўринган мансабдор кишиси ёзяпти! Бизнинг воқелигимиз капиталистик дунё намояндаларини ана қандай гапларни айтишга мажбур қилиб қўяяпти! Бу яхши «пардоз-ку» ўртоқлар! Биз ҳозир ўз тузумимиз, системамиз ҳақида, унинг устунлиги тўғрисида душманларимизни ана шундай гапларни айтишга мажбур қилиб қўйдик. Фақат социалистик системагина бизнинг мамлакатимизга Америка Қўшма Штатлари сингари ғоят ривожланган капиталистик мамлакатга иқтисодий жиҳатдан етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш имкониятини бермоқда. **(Гулдурос қарсаклар).** Бу нарса кўп миллатли Совет давлатимиздаги ҳамма кишиларнинг ифтихоридир. Бу нарса қалбларимизни коммунистик идеологиямиз, совет тузумимиз билан фахрланиш туйғусига тўлдириб юбормоқда! Совет ҳокимиятининг душманлари Россия империализмининг қисувига бардош бера олмайди, чунки у кўп тилли, кўп миллатли мамлакат, деган эдилар. Мана ўша 220 миллион кишидан кўпроқ аҳолиси бўлган кўп тилли, кўп миллатли, бирлашган ва қудратли мамлакат!

Ватанимизнинг ҳамма халқлари ягона умумий программага — партиямизнинг Программасига эгадирлар, ягона идеология—марксизм-ленинизм уларни бирлаштириб турибди. Ҳамма миллатлар бир мақсад билан яшаб, битта йўлдан — Ленин кўрсатиб берган йўлдан — СССРда коммунистик жамият қуриш сари олға ва олға қараб бормоқдалар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яна бошқа, булардан ҳам мўътабарроқ эътирофларни мисолга келтириш мумкин.

АҚШ президенти Ж. Кеннеди яқинда Америкадаги Вашингтон университетида сўзлаган нутқида бундай деди:

«... Биз рус халқининг фан ва космос соҳасидаги, иқтисодий ва саноат тараққиёти соҳасидаги, маданият ва мардона ишлар соҳасидаги кўпдан-кўп муваффақиятлари учун уни табриклашимиз мумкин».

Чакки айтилмаган! Бу ҳам пардоз-ку! Америка Қўшма Штатларининг президенти пардозчи бўлиб чиқди. **(Залда кулги).**

Баъзи бир ёзувчиларимиз ва санъат ходимларимиз эса ўз халқини, ўз халқининг меҳнатини булғамоқчи, ахлатхоналарни кавлаштириб, кишиларимизнинг образларини энг қора бўёқларда тасвирламоқчи бўладилар. Уялсангиз-чи!

Ёзувчиларимизга, санъат арбобларимизга «пардозчи» лақабини тақиб қўяётган одамларни партия қораламоқда. Ахир халқимиз, партиямиз қилган ҳамма яхши ишларни қаламга олган кишиларни пардозчи деб бўладими? Албатта, бўлмайди! Партиявий позицияларда турган ёзувчи, санъат арбоби жамиятимиз ҳаётидаги ижобий ҳодисаларни ҳам, салбий ҳодисаларни ҳам ўз асарларида ҳаққоний акс эттиради ва буни ҳаётбахш позицияларда туриб амалга оширади. Ҳаётимизда камчиликлар бор, албатта, лекин янги, революцион нарсалар эскиликка қарши курашда барқарор бўлмоқда ва ўсиб бормоқда, ўтмиш сарқитларини улоқтириб ташламоқда. Баъзи бировлар нуқул салбий нарсалар тўғрисида ёзишга, мамлакатимиз, кишиларимиз, воқелигимиз ҳақида ҳар қандай қабоҳатларни кавлаштириб топишга даъват қилаётган экан, бунга чидаб бўладими. Бундай позицияларда турган кишилар — буржуа идеологиясининг совет кишилари орасидаги агентларидир.

Биз кўзбўямачиликка ниҳоятда каршимиз. Партия кўзбўямачиликни фош қилишга ҳамиша чақириб келди ва чақираверади, партия воқеликни бўяб кўрсатишга қарши бўлиб келди ва қарши бўлаверади. Бизнинг совет воқелигимиз сохталикка чидаб тура олмайди.

«Кубань казаклари» фильми эсингиздами. Ўша фильм кўрсатилиши биланоқ биз Сталинга бу фильмда колхозчиларнинг турмуши ҳаққоний кўрсатилмаган деган эдик. Унда хамма ёқ маъмурчилик. Ҳар бир колхозчи байрам дастурхони ёнида ўтириб, биттадан курка гўштини еяётганини экранда кўрсатиб қўйишса, бу нарса Сталинга ёқар эди. Ўшанда мен Сталинга бу куркаларни кинематография министри Большаков сотиб олган ва шу куркаларни колхозчилар эмас, балки артистлар еяпти, дедим. Ҳақиқий турмушда бундай маъмурчилик йўқ эди — ўша вақтда қишлоқ катта қийинчиликларни бошидан кечираётган эди.

Эсингизда бўлса керак, кўзбўямачилик фақат кинофильмлардагина ёйилган эмас эди. Маленковнинг партия XIX съездида доклад қилиб, дон проблемаси ҳал қилинди, дон десанг истаганча бор, деган гаплари партия билан халқни алдаш эди.

XIX съезд тамом бўлгач, мамлакатнинг ҳамма томонларидан минг-минглаб хатлар ёғилди. Одамлар агар дон проблемаси ҳал қилинган бўлса, нега нон йўқ, деб хат ёзишди. Ўшанда Сталин масала қўзғаб, бир қанча областларнинг раҳбарларини нақ бўлмаса, абжақ қилиб қўйёзган эди, чунки нон етишмаётгани ҳақида ўша областлардан келган хатлар Сталиннинг қўлига тушиб қолган эди. Нима учун нон етишмай турганини аниқлаб келиш учун ўша областларга махсус комиссиялар юборишди.

Ҳудди ўша пайтларда Марказий Комитетдаги суҳбатлардан бирида мен айтган эдим: ўртоқ Сталин, украинлар бизга оқ нон беришмаяпти деб жуда норози бўлишяпти. Партия съездида дон проблемаси ҳал қилинган дейишди, ҳамма вақт оқ нон еб келган украинларда ҳозир оқ нон йўқ. Сталин: украинларга оқ нон бериш керак, деди. Бамисоли Франция қироличасининг айтган гапидан бўлиб чиқди, ўша қиролича халқнинг егани нони йўқ деган маълумотларни эшитиб, нони бўлмаса пирожное ея берсин, деган экан. **(Залда кулги).**

Мамлакатда дон етишмай тургандан кейин ахир нонни қаердан топиб бериш мумкин? Сентябрь Пленумида мен ҳам Маленковга ўхшаб ўз докладимда донни қаёққа сигдиришимизни билмай қолдик, десам бўлаверар эди.

Маленков биологик ҳосил ҳақидаги маълумотларни асос қилиб гапирди. Ана шу биологик ҳосил қандай белгиланар эди? Бир квадрат метр экинзбрни олиб, ундаги бошоқлар миқдорини санаб чиқишар эди, кейин ҳар бир бошоқда нечтадан дон борлигини ҳисоблашар эди, уни тортиб кўргач, сркасидан ана шу бир квадрат метр экинзор бўйича ҳосил бўлган рақамларни бутун экин майдонига зарб қилишар эди. Ана шунинг номини биологик ҳосил дейдилар. Лекин биологик ҳосилдан на нон, на патир ёпа оласан. Нон билан патир омборларга йиғилган реал ҳосилдан ёпилади. Биз дон проблемаси ҳал қилинди деган ана шу гапни шунинг учун қаттиқ танқид қилдикки, бу кўзбўямачилик, партия билан халқни алдаш эди.

Партия Сталининг шахсига сиғинишни фош қилиш ҳамда унинг зарарли оқибатларини тугатиш соҳасида катта иш қилди. Марказий Комитет масъулиятни тушунган ҳолда мардоналик билан бу ишни дангал амалга оширди. Бу масалани XX съезд вақтида муҳокама қилган пайтимизда, ўша пайтда биз раҳбарлар орасида жуда қаттиқ кураш борганлиги эсимда. Биз ҳақиқатни партияга айтиш керак деган масалани қўйсак, ўзлари Сталин билан бирга қилган жиноятлар учун анча айбдор эканликларини сезган баъзи бир кишилар бу ҳақиқатдан қўрққан, ўзларининг фош бўлиб қолишларидан қўрққан эдилар. Узоқ баҳслашгандан кейин улар бу масаланинг съездга қўйилишига рози бўлдилар.

Бу, катта ва мураккаб масала, сиёсий жиҳатдан ғоят зўр аҳамиятга эга бўлган масала эди. Албатта обивателларча мулоҳаза юритиладиган бўлса, бу масалани қўзғаб битта йўлдан — Ленин кўрсатиб берган йўлдан — СССРда коммунистик жамият қуриш сари олға ва олға қараб бормоқдалар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яна бошқа, булардан ҳам мўътабарроқ эътирофларни мисолга келтириш мумкин.

АҚШ президенти Ж. Кеннеди яқинда Америкадаги Вашингтон университетида сўзлаган нутқида бундай деди:

«... Биз рус халқининг фан ва космос соҳасидаги, иқтисодий ва саноат тараққиёти соҳасидаги, маданият ва мардона ишлар соҳасидаги кўпдан-кўп муваффақиятлари учун уни табриклашимиз мумкин».

Чакки айтилмаган! Бу ҳам пардоз-ку! Америка Қўшма Штатларининг президенти пардозчи бўлиб чиқди. **(Залда кулги).**

Баъзи бир ёзувчиларимиз ва санъат ходимларимиз эса ўз халқини, ўз халқининг меҳнатини булғамоқчи, ахлатхоналарни кавлаштириб, кишиларимизнинг образларини энг қора бўёқларда тасвирламоқчи бўладилар. Уялсангиз-чи!

Ёзувчиларимизга, санъат арбобларимизга «пардозчи» лақабини тақиб қўяётган одамларни партия қораламоқда. Ахир халқимиз, партиямиз қилган ҳамма яхши ишларни қаламга олган кишиларни пардозчи деб бўладими? Албатта, бўлмайди! Партиявий позицияларда турган ёзувчи, санъат арбоби жамиятимиз ҳаётидаги ижобий ҳодисаларни ҳам, салбий ҳодисаларни ҳам ўз асарларида ҳаққоний акс эттиради ва буни ҳаётбахш позицияларда туриб амалга оширади. Ҳаётимизда камчиликлар бор, албатта, лекин янги, революцион нарсалар эскиликка қарши курашда барқарор бўлмоқда ва ўсиб бормоқда, ўтмиш сарқитларини улоқтириб ташламоқда. Баъзи бировлар нуқул салбий нарсалар тўғрисида ёзишга, мамлакатимиз, кишиларимиз, воқелигимиз ҳақида ҳар қандай қабоҳатларни кавлаштириб топишга даъват қилаётган экан, бунга чидаб бўладими. Бундай позицияларда турган кишилар — буржуа идеологиясининг совет кишилари орасидаги агентларидир.

Биз кўзбўямачиликка ниҳоятда каршимиз. Партия кўзбўямачиликни фош қилишга ҳамиша чақириб келди ва чақираверади, партия воқеликни бўяб кўрсатишга қарши бўлиб келди ва қарши бўлаверади. Бизнинг совет воқелигимиз сохталикка чидаб тура олмайди.

«Кубань казаклари» фильми эсингиздами. Ўша фильм кўрсатилиши биланоқ биз Сталинга бу фильмда колхозчиларнинг турмуши ҳаққоний кўрсатилмаган деган эдик. Унда хамма ёқ маъмурчилик. Ҳар бир колхозчи байрам дастурхони ёнида ўтириб, биттадан курка гўштини еяётганини экранда кўрсатиб қўйишса, бу нарса Сталинга ёқар эди. Ўшанда мен Сталинга бу куркаларни кинематография министри Большаков сотиб олган ва шу куркаларни колхозчилар эмас, балки артистлар еяпти, дедим. Ҳақиқий турмушда бундай маъмурчилик йўқ эди — ўша вақтда қишлоқ катта қийинчиликларни бошидан кечираётган эди.

Эсингизда бўлса керак, кўзбўямачилик фақат кинофильмлардагина ёйилган эмас эди. Маленковнинг партия XIX съездида доклад қилиб, дон проблемаси ҳал қилинди, дон десанг истаганча бор, деган гаплари партия билан халқни алдаш эди.

XIX съезд тамом бўлгач, мамлакатнинг ҳамма томонларидан минг-минглаб хатлар ёғилди. Одамлар агар дон проблемаси ҳал қилинган бўлса, нега нон йўқ, деб хат ёзишди. Ўшанда Сталин масала қўзғаб, бир қанча областларнинг раҳбарларини нақ бўлмаса, абжақ қилиб қўйёзган эди, чунки нон етишмаётгани ҳақида ўша областлардан келган хатлар Сталиннинг қўлига тушиб қолган эди. Нима учун нон етишмай турганини аниқлаб келиш учун ўша областларга махсус комиссиялар юборишди.

Ҳудди ўша пайтларда Марказий Комитетдаги суҳбатлардан бирида мен айтган эдим: ўртоқ Сталин, украинлар бизга оқ нон беришмаяпти деб жуда норози бўлишяпти. Партия съездида дон проблемаси ҳал қилинган дейишди, ҳамма вақт оқ нон еб келган украинларда ҳозир оқ нон йўқ. Сталин: украинларга оқ нон бериш керак, деди. Бамисоли Франция қироличасининг айтган гапидан бўлиб чиқди, ўша қиролича халқнинг егани нони йўқ деган маълумотларни эшитиб, нони бўлмаса пирожное ея берсин, деган экан. **(Залда кулги).**

Мамлакатда дон етишмай тургандан кейин ахир нонни қаердан топиб бериш мумкин? Сентябрь Пленумида мен ҳам Маленковга ўхшаб ўз докладимда донни қаёққа сигдиришимизни билмай қолдик, десам бўлаверар эди.

Маленков биологик ҳосил ҳақидаги маълумотларни асос қилиб гапирди. Ана шу биологик ҳосил қандай белгиланар эди? Бир квадрат метр экинзбрни олиб, ундаги бошоқлар миқдорини санаб чиқишар эди, кейин ҳар бир бошоқда нечтадан дон борлигини ҳисоблашар эди, уни тортиб кўргач, сркасидан ана шу бир квадрат метр экинзор бўйича ҳосил бўлган рақамларни бутун экин майдонига зарб қилишар эди. Ана шунинг номини биологик ҳосил дейдилар. Лекин биологик ҳосилдан на нон, на патир ёпа оласан. Нон билан патир омборларга йиғилган реал ҳосилдан ёпилади. Биз дон проблемаси ҳал қилинди деган ана шу гапни шунинг учун қаттиқ танқид қилдикки, бу кўзбўямачилик, партия билан халқни алдаш эди.

Партия Сталининг шахсига сиғинишни фош қилиш ҳамда унинг зарарли оқибатларини тугатиш соҳасида катта иш қилди. Марказий Комитет масъулиятни тушунган ҳолда мардоналик билан бу ишни дангал амалга оширди. Бу масалани XX съезд вақтида муҳокама қилган пайтимизда, ўша пайтда биз раҳбарлар орасида жуда қаттиқ кураш борганлиги эсимда. Биз ҳақиқатни партияга айтиш керак деган масалани қўйсак, ўзлари Сталин билан бирга қилган жиноятлар учун анча айбдор эканликларини сезган баъзи бир кишилар бу ҳақиқатдан қўрққан, ўзларининг фош бўлиб қолишларидан қўрққан эдилар. Узоқ баҳслашгандан кейин улар бу масаланинг съездга қўйилишига рози бўлдилар.

Бу, катта ва мураккаб масала, сиёсий жиҳатдан ғоят зўр аҳамиятга эга бўлган масала эди. Албатта обивателларча мулоҳаза юритиладиган бўлса, бу масалани қўзғаб битта йўлдан — Ленин кўрсатиб берган йўлдан — СССРда коммунистик жамият қуриш сари олға ва олға қараб бормоқдалар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Марказий Комитет Сталиннинг шахсига сиғиниш тўғрисидаги ҳақиқатни айтишни ҳамда бу ишнинг ҳеч қачон такрорланмаслиги учун ҳамма чораларни кўриш зарур деб ҳисоблади.

Сталиннинг шахсига сиғинишни фош қилиш маълум қийинчиликлар тугдирди. Лекин энди фикримизни тўғри тушунмоқдалар, биз партиявий, ленинча позицияда турибмиз ва халқ буни кўриб турибди. Халқ партиямизнинг ленинча йўлини маъқуллаяпти ва қўллаб-қувватлаяпти. **(Гулдурос қарсаклар).**

Баъзи баъзи бировлар фикримизни тушунмасликлари ёки кечроқ

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши учинчи бетда)

фойдали ва нима зарарли эканлигини белгилаб турадилар. Раҳбарликнинг партиявийлигини ва коллективлигини иккор қилган киши эса ҳамма нарсани ўзи ҳал қилмоқчи бўлади. Чунончи, бирон ёзувчи асар ёзади ёки бирон рассом расм чизади-да, сўнгра: «Ўзимники тўғри, ҳеч ким менга ақл ўргата олмайди, мен ўз-ўзимга ҳакамман!» дейди. Бундай асарларнинг бадиий қиммати нимадан иборат ва уларнинг ғоявий йўналиши қандай — буни ким белгилаб бермоғи керак? Бу асарлар авторларининг фикрича, уларнинг ўзлари белгилаб бермоғи керак. Улар ўз асарларини бостириб чиқаришни талаб қиладилар: босмахона, бўёқ, қоғоз беринг дейдилар; ҳамма нарсани беришни талаб қиладилар. Йўқ, бунга партия асло йўл қўя олмайди!

Хўш, биз аҳволни мушкуллаштириб кўрсатишимиз керакмикин? Ўйлайманки, керак эмас. Биз, Марказий Комитетда, интеллигенция брасидан жуда оз кишилар идеологиянинг партиясизлиги ҳақидаги буржуа идеясига берилиб кетган деб ҳисоблаймиз. Умуман совет интеллигенциямизнинг ва хусусан ижодий интеллигенциямизнинг жуда кўпчилиги марксча-ленинча идеялар билан яшамоқда ва партия билан бирликда, партия раҳбарлиги остида бу идеяларнинг тантанаси учун курашмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Кинематография партия учун идеология ишининг энг муҳим ва мароқли участкасидир. Кинофильмлар тарбиянинг ўткир ғоявий қуроли ва тез бориб етадиган воситадир. Масалан, китобни ҳар ким ўқий бермайди. Баъзан китобни тайёргарлиги анча яхши бўлган китобхон ўқийди, шуниси ҳам борки, китобни ўқиб чиқмоқ ва тушуниб олмоқ учун вақт ҳам кўпроқ бўлиши керак. Кинокартина эса осонлик билан ўзлаштириб олинади. Шунинг учун кино — санъатларнинг энг оммавийсидир.

Кинематографиянинг айрим ходимлари орасида, чунончи баъзан ҳаддан ошиб кетишлар, кинонинг ролига нотўғри қарашлар бор. Жумладан, бу ган М. Ромм каби машҳур ва кўп тажриба кўрган режиссёрга ҳам тааллуқлидир. У яхшилаб ўйлаб кўриб, тўғри позицияларда маҳкам туриб олади деб ўйлаймиз.

КПСС Марказий Комитети кино ходимларининг илтимосларини қондириб, уларнинг ўз ижодий союзи бўлишига розилик берди. Биз санъатда ўз-ўзини бошқариш ва ижодий союзлар бўлишига тарафдормиз. Шарт шуки, бу нарса санъатнинг тўғри йўлдан ривожланиб боришига ёрдам берсин. Лекин кимга ким союзларга таяниб, санъатда партия йўлига қарши курашмоқчи бўлса, ундай киши катта хато қилади. Ундай кишиларга биз айтамизки: биз ўзимизнинг ягона союзимиз Коммунистик партиямиздан бўлак ҳеч бир союзнинг жамиятдаги раҳбарлик ролини тан олмаймиз, деймиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўз фаолиятини партия сиёсатига қарши қаратмоқчи бўлган бошқа союзларнинг ҳаммаси партия билан, халқ билан муқаррар суратда тўқнашиб қолган бўлур эди. Бу гапни мен шунчаки, огоҳлантириб қўйиш учун айтяпман. Масаланинг чуқурлашиб кетишини кутиб ўтирмасдан ўз вақтида огоҳлантириб қўйиш яхшироқ, вақт ўтиб кетгандан кейин огоҳлантириш етарли бўлмай қолади. Шунинг учун бу тўғрида бармоқал гаплашиб қўйганимиз яхши.

Биз интеллигенциямизга — ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, театр ва кино ходимларига кўпроқ эътибор беришимиз керак.

Агар музика тўғрисида сўзлайдиган бўлсак, биз музика ҳозир тўғри йўлдан ривожланиб бормоқда, деб ҳисоблаймиз. Тўғри, баъзи композиторларда ҳам ҳаддан ошиб кетишлар бўлган эди. Бу тўғрида биз ўз вақтида гаплашган эдик, ҳозир эса ишлар яхши бораётганга ўхшайди. Тўғрисини айтсам, музикага иштиёқим зўр. Дам олган чоқларимда музика эшитиш учун ҳамма вақт радио қулоғини очиб қўяман. Радио орқали эшитириладиган баъзи музикалар яхши. Шовқун-сурон, тақир-туқурдан иборат музика анча камайиб қолди.

Баъзи адабий эшиттиришлар ҳам қизиқарлироқ бўлиб қолди. Яқинда мен радио орқали М. А. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидан кичик бир парчани эшитдим. Диктор ўқишни тамом килди, мен эса жуда афсусландим: яна ва яна эшитгим келарди. Хўш, унда канақа қизиқ нарса бор экан? Бу парчада Давидовнинг ҳўкизларни қўшиб қўш ҳайдаётганлиги ҳикоя қилинган эди. Бундай қараганда бу оддийгина бир нарса. Лекин бу воқеа жуда ажойиб ҳикоя қилиб берилган! Қулоқ солиб туриб ҳаяжонланасан киши. Мана Давидов ишини тамомлаб, ҳукат устига чўзилди. Шу пайт сен ҳам ўзингда ёқимли бир ҳорғинлик сезиб оғир ишдан кейин ойнангни чўзиб дам олгинг келади. Шолохов ана шундай ўткир санъаткор. У оддий нарсаларни шундай маъноли, ҳаяжоний қилиб тасвирлашга ва китобхонларни ишонтиришга жуда моҳир.

Бизнинг адабиётимизда яхши бадиий асарлар кўп. А. Твардовскийнинг «Василий Тёркин» ва «Ироқ-йироқларда» деган асарлари мақтовга сазовор асарлардир. Ҳамма яхши бадиий асарларни бу ерда санаб кўрсатиш ва мақтовга сазовор бўлган ҳамма ёзувчилар ва шоирларни номма-ном айтиб чиқиш қийин—улар бизда юзларча. Совет Иттифоқидаги каби қудратли, ҳаётбахш адабиёт ва санъат дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида йўқ. Империализм идеологларининг бизнинг ижодий интеллигенциямизни тўғри йўлдан чалғитиш учун унга таъсир кўрсатишга бу қадар жон-жаҳдлари билан уринишларининг ҳам сабаби шу. Улар бизнинг ёзувчиларимиз, композиторларимиз, рассомларимиз, театр, кино арбобларимиз орасида ўзларининг ижодий ишларининг буюк кучига ишонмаслик туғдириш учун ҳар хил хийла-найрангларни ишга солмоқдалар.

Партия совет ижодий интеллигенцияси билан фахрланади, уни қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр ва уни ҳеч қачон ранжитгани қўймайди. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! В. И. Ленин агитация ва пропаганда олдига қандай талаблар қўйганлигини эслатиб ўтмоқчиман. «Бизнинг асосий сиёсатимиз, — деган эди у, — ҳозирги вақтда кўпроқ пуд ғалла олмоқ кўпроқ пуд кўмир бермоқ, ғалла ва кўмирнинг бу пудларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланмоқ учун давлатнинг иқтисодий қурилишидан иборат бўлмоғи лозим... Бутун агитация ва пропаганда ана шу асосда қурилмоғи керак. Гапбозлик камроқ бўлиши лозим, чунки меҳнаткашларни қуруқ гап билан қаноатлантириб бўлмайди».

В. И. Ленин коммунизм қурилиши барча меҳнаткашларнинг амалий иши бўладиган, ҳамма кишилар коммунизм қуришдаги умумий ғалабамиз уларнинг меҳнатига, ҳар бир кишининг умумий меҳнатнинг, гарчи жуда кичкина ва жуда оғир бўлса-да, бирон бир вазифасини амалий равишда ҳал қилишига боғлиқ эканлигини тушунадиган замонни орзу қиларди.

Биз ҳозир Ленин орзу қилган шундай замонда яшамоқдамиз. Ҳамма Ленин асарларини кўпроқ ўрганиш, тез-тез унинг асарларига мурожаат қилиб туриши зарур. Ленин идеяларини амалий ишда, агитацияда, пропагандада, бутун ишимизда моҳирлик билан тадбиқ қила билмоқ керак.

Агар бадиий образдан моҳирлик билан фойдаланилса, пропаганда ва агитация ҳаммага тушунарли бўлади.

Ешлигимда Рубакиннинг китобларини кўп ўқиганман. Унинг «Китоб ташувчи» деган повести ҳали ҳам ёдимда. Бу повестнинг мақсади деҳқон болаларини китоб ўқишга қизиқтиришдир. Китоб ташувчи ёз фаслида қишлоққа келади. Бу қишлоққа у бир неча марта келган ва уни ҳамма яхши танийди. Болалар кечаси пичанхонада давра қуришади. Китоб ташувчи улар олдига келиб, ҳар хил воқеаларни ҳикоя қилабошлайди. У китоб ўқишга маслаҳат беради, бунинг фойдали иш эканлигини айтади. Болалар қизиқиб, ундан сўрашади:

— Хўш, китобларда нима ёзилган?

— Ўқиганингизда ҳаммасини билиб оласиз.

Болалардан бири ундан сўрайди:

— Хўш, қандай китобларни ўқиш керак? Бошқа китобларга вақт сарф қилиб ўтирмасдан, битта китобни ўқиб ҳамма нарсани билиб олиш мумкинми?

— Кўп нарса ўқимоқ керак.

— Агар китоб ўқисам у дунёда холамнинг қандай яшаётганини билиб оламанми?

— Билиб оласан. ҳаммасини билиб оласан. Аввал фақат бир сўзни билиш керак.

— Хўш, канақа сўз экан у?

— Бу сўзнинг қанақалигини ўзим ҳам билмайман. Бир киши бор эди, бу сўзни ана ўша билар эди ва у киши бир китоб ёзиб ана шу сўзни ўша китобда айтмоқчи бўлган эди. Ўшандан буён бу сўз қанақалигини ва у қайси китобда ёзилганлигини ҳечким билмайди. Ҳамма китобни қаторасига ўқиб чиқсанг, ўша сўз қайси китобда ёзилганлигини билиб оласан. **(Қарсаклар).** Рубакин чакки ёзмаган-а!

Унинг бошқа яхши ҳикоялари ҳам бор, масалан, «Учқунлар» деган ҳикояси ёки шахтёрлар ҳақидаги бошқа ҳикоялар. Унинг Шимолий Кавказдаги лекцияларини бизнинг суд ходимларимиз ўқиб чиқсалар чакки бўлмас эди. Бу лекцияларда эски суд ҳақида яхши сўзланган.

Давлат Гимни ҳақида бир неча сўз айтиб ўтмоқчиман. Замонамизга ҳамоҳанг бўлган янги Давлат Гимни масаласи бизда қўйилганига анча бўлди. Биз бу ҳақда кўп хатлар олмоқдамиз.

Ўртоқ Брежнев яқинда менга бир хат кўрсатди. Бу хатнинг автори янги Давлат Гимни яратмаганлари учун ёзувчиларни, шоирларни ва композиторларни танқид қилади. У нима учун бир неча йилдан буён радио фақат Гимнининг музикасини эшиттиради?—деб ёзади. Бу хатнинг автори Гимн учун сўзларни **ўзи ёзишга қарор қилган ва ўз шеърини** юборган.

Ўйлайманки, биз янги Давлат Гимни яратиш масаласига қайтмогимиз лозим. Шоирлар ҳам, композиторлар ҳам ўз санъатларини кўрсатишлари ва коммунизм қураётган буюк Ватанимизга муносиб Гимн яратишлари мумкин!

Ўртоқлар! Биз идеология ишининг ҳамма дастаклари ва моддий воситаларини ҳаракатга солиш, бу муҳим ишга раҳбарликни яхшироқ ташкил қилиш устида ишламоқдамиз. Шуни айтмоқ керакки, идеология иши раҳбарликнинг турли органлари ўртасида тарқоқ ҳолда бўлганлигидан жиддий зарар кўрмоқда. Бундай қилиш ярамайди. Бундай практика натижасида кўпинча шундай бўладики, бирор ёзувчи ёмон бир китоб ёзади. Шу китобни кўтариб бир нашриётга боради, у ерда ўтказолмагандан кейин бошқасига боради. Агар бу ёзувчи Москвада ёки Ленинградда турса ва ундаги нашриётлар унинг кўлёзмасини қабул қилмасалар, у кўпинча узоқ бир районга жўнаб қолади. Унда, бирон шаҳарда унинг китобини босиб чиқарғилар, чунки пойтахтдан борган ёзувчининг китобини нашр қилиш уларга ёқиб тушади.

Идеология ишига раҳбарлик қилишда тегишли тартиб ўрнатмоқ лозим. КПСС Марказий Комитетида ҳам, иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларида ҳам, ўлка ва область партия комитетларида ҳам идеология иши билан ишни яхши биладиган кадрлар шуғулланмоқлари керак. Матбуот, радио, телевидение ишини чуқурроқ тушунадиган, адабиёт асарларини эътибор билан ўқийдиган, композиторлар, кинорежиссёрларни ижоди билан, театрларнинг постановкалари билан танишадиган, адабиёт ва санъатдаги ҳодисаларга тўғри баҳо бера оладиган малакали кишиларни жалб этмоқ керак. Бу ишни биз кўпинча адабий танқидчиларга ва санъатшуносларга ишониб топширганмиз. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, бу кишилар ўз вазифаларига муносиб иш қилмадилар ва кўпинча адабиёт ва санъат асарларига принципиал позициялардан эмас, балки группачилик позициялардан қараб баҳо бердилар. Бу ишни бошқача тузмоқ ва уни яхши ташкил қилмоқ керак.

Идеология иши — катта, жуда нозик, мураккаб ва масъулиятли иш. Бу ишга партиявий принципиаллик ва одоб билан раҳбарлик қилиб, бунга ижодий интеллигенцияни жалб этмоқ керак. Бу ишда қўпол маъмуриятчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртоқ Фурцева Пленумда сўзлаган нутқида абстракционист ҳайкалтарошлардан бири металл пайрахасини спирал шаклида бураб, уни санъат асари қилиб кўрсатганлигини айтиб берди. Унга бунинг учун пул ҳам тўлаган бўлсалар керак!

Е. А. Фурцева. Йўқ, тўламан эмаслар.

Н. С. Хрушчев. Ким билсин, пул тўлаган тўламаганликларини ҳозир билиш қийин. Ҳатто гап бунда пулда ҳам эмас, албатта, пули ҳам кичик нарса эмаску-я.

Баъзи расмларга қараганингда унинг нима учун чизилганини баъзан тушуполмайсан. Ҳамма иллат шундаки, айрим рассомлар тафаккурлари мана бундай муҳокама қиладилар: Кимки, бизнинг асарларимизни тушунмас экан демак у санъатнинг бу шаклини тушуниш даражасига ҳали етган эмас. Бу гапдан шундай хулоса келиб чиқадики, фақат у ақлли-ю, унинг ажи-бужисини тушунмаган киши унинг «юксак савияси» даражасига етмаган бўлади. **(Залда жонланиш).**

Ҳайкалтарош Неизвестнийнинг ижоди ҳақида кўп гапирадилар. Мен унинг софдил ва лаёқатли киши эканлигига ишонгим келади. Балки, абстракционистлар тўғрисида сўз очилганда, ҳамма нарсани ҳайкалтарош Неизвестнийга тақаш керак эмасдир. Қани кўрайлик-чи, у ўз ваъдасини қандай бажарар экан. ҳалққа қандай хизмат қилишини ўз ижоди билан кўрсатар экан. Санъатда баъзи ножўя ҳодисаларни ўз вақтида пайқаб, бундай ҳодисаларнинг тарқалишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўрмаганлигимиз учун ҳар ҳолда биз ҳам айбдормиз шекилли.

Бу ишларнинг ҳаммасини тартибга солмоқ керак.

Ўртоқлар, шу Пленумдан кейин, қилинган шу катта ишдан кейин идеология фронтида янги юксалиш юз беради деб ўйлайман. Ҳаёт бизнинг интеллигенциямиз тўғри партиявий позицияларда турганлигини кўрсатди. Нотўғри ҳаракат қилаётган икки-уч киши учун ёки қандайдир ўнтача киши учун ҳамма нарсадан кир қидириш ва ижодий интеллигенциямизнинг фаолияти учун характерли бўлган соғлом йўналишни пайқамаслик ярамайди. Бу ҳол партия учун, адабиёт ва санъатимизнинг ривожи учун, бутун идеология иши учун ғоятда зарарли бўлур эди. **(Қарсаклар).** Бизнинг ижодий интеллигенциямиз тўғри йўлдан бормоқда, у ленинча партиямизнинг ғояларига, коммунистик қурилиш ғояларига амал қилмоқда. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўртоқлар! Мен яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Бу масала юзаки қараганда, идеология ишига бевосита алоқадор эмас, аммо бу масала катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Бунда гап халқ хўжалик планларини тузишнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисида бораётир. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу масала юзасидан партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига мактуб тайёрладилар. Бу ҳужжат сизларга тарқатилган ва сизлар у билан танишиб чиққан бўлсангиз керак.

КПСС Марказий Комитети Президиуми 1964-1965 йилларга ва шундан кейинги йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планини тузишга, бу ишни тўғри ташкил этишга жуда катта аҳамият бермоқда.

Маълумки, бизда планлаштириш ишларида камчиликлар кўп. Бу камчиликларнинг рўй бераётганлигига, аввало, сабаб шуки, партия ташкилотлари ана шу муҳим ишдан ўзларини бирмунча четга олганлар ва бу ишни планлаштирувчи органларга тамомила ишониб топшириб қўйганлар. Бунинг натижасида планлар экономикани тез тараққий эттириш учун зарур бўлган нарсаларни ҳамиша ҳам акс эттираётир, деб бўлмайди.

Ўртоқлар, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлжалланган беш йиллик планида қандай жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги сизларга маълум. Биз ана шу хатоларни кейинчалик етти йиллик планни ишлаб чиқиш вақтида тузатишга мажбур бўлдик.

Планларда хатоларга йўл қўйилишига нима сабаб бўлган эди? Сталиннинг шахсига сиғиниш оқибатлари ҳам планлаштиришдаги хатоларга сабаб бўлган эди. Ўша даврда Госпландан бошқа ҳеч ким халқ хўжалик планларини тузиш ишлари билан шуғулланмаганлиги менга ва илгариги Снёсий бюронинг бошқа аъзоларига яхши маълум.

Ўша даврда планлар қандай тасдиқланганлигини кўрсатадиган бир фактни келтириб ўтамзи. Бу воқеа Сталик вафотидан бир оз илгари бўлган эди. Йиллик планни тасдиқлаш учун Министрлар Советининг мажлиси чақирилди. Мажлисга Сталин кириб келди. Сталин одатда Министрлар Совети мажлисида раислик қилмас эди, аммо бу сафар раисининг ўрнини эгаллади, план лойиҳаси солинган папкани қўлига олиб: «Мана, план. Ким қарши?» деди. Министрлар бир-бирларига қарашиб, жим қолдилар. «Демак планни қабул қиламиз», деди Сталин. Мажлис шу билан тамом бўлди. Мажлисдан чиққанимизда Сталин: «Юринг, кинони бориб кўрайлик» деди. Сталин кино залига келганида: «Хўп боплаб уларни лақиллатдик!» дейди. Кимларни лақиллатдик, деган савол пайдо бўлади? Министрлар лақиллатилган экан-да.

Бу планнинг оёғи осмондан келди, унда катта хатоларга йўл қўйилган эди. Бунга сабаб шуки, министрлар планни тайёрлашда амалий иштирок қилмаган ва улар планни маъқулламаган эдилар. Министрларгина эмас, балки планни ўқиган бошқа ходимлар ҳам уни маъқулламаган эдилар. Сталининг ўзи планлаштириш масалалари билан шуғулланмас эди ва бошқа кишиларнинг бу масалалар билан жиддий шуғулланишларини ҳам истамас эди.

Кейинги йилларда халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш ва планлаштиришни такомиллаштириш соҳасида кўп иш қилинди. Аммо бизда экономика тараққиётини планлаштиришда ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Партия планлаштирувчи органларнинг ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўғрисидаги ўртача маълумотлар асосида ялпи маҳсулот ўсишининг муайян процентини белгилаш ва ҳар бир соҳа бўйича оз-оз қўшиб, планлар тузиш каби практикасини қоралади .Масалан, 1963 йилда қурилиш-монтаж ишларига 19,7 миллиард сўм капитал маблағ сарф қилиш мўлжалланган бўлса, ҳозир бу маблағлар давом этиб келаётган ўсиш процентига караб, тармоқлар бўйича тақсимланмоқда. Шундай қилиб капитал маблағларнинг миқдори кўпдан буён амалда бўлган пропорциялар билан белгиланмоқда.

Шу тариқа планлаштирилганда янги прогрессив тармоқлар учун маблағ қолмайди, ҳолбуки ҳаётнинг ўзи ана шу янги прогрессив тармоқларни тез ривожлантиришни талаб қилмоқда. Ана шу тармоқлар қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтириши мумкин бўлган бир пайтда шундай қилинмоқда. Бундай практика натижасида бизда янги, прогрессив тармоқлар ҳозирча суст ривожланмоқда. Бунга сабаб шуки, асосий маблағлар ва моддий ресурслар илгари белгиланган нисбатларга караб тақсимланмоқда.

Бу гапларимни тасдиқлаш учун шундай мисол келтираман. Партиянинг XXI съезди планларнинг ошириб бажарилиши натижасида хосил қилинадиган маблағлар асосан химия саноатини, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қуришга сарф қилиниши лозим деб белгилаган эди. Амалда эса қандай ҳоллар рўй берди. Етти йиллик план топшириқлари, масалан, металлургия бўйича ошириб бажарилмоқда, химия бўйича эса бажарилмаётир. Бундай аҳволнинг рўй берганлигига сабаб нима? Сабаб шуки, Госплан аравани биз хоҳлаган томонга бормай, балки эски изидан боряпти. **(Залда жонланиш).**

Сўнгра қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини олиб кўрайлик. Агар биз ўзимизда мавжуд маблағлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдалансак, экономикамизнинг ана шу муҳим тармоғини янада тез ривожлантира оламиз. Вазифа шуки, озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиш керак. Бунга қандай оқилона йўллар билан эришмоқ мумкин? Бу вазифани эндиликда асосан ҳайдаладиган ерларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки деҳқончилик маданиятини юксалтириш, қишлоқ хўжалигини интенсивроқ усулда олиб бориш йўли билан ҳал этиш керак. Бунинг учун аввало, зарур миқдорда минерал ўғитларга эга бўлиш лозим. Бу ҳаммага аён, мен бу ерда қандайдир сирни очиб бераётганим йўқ.

Мен белорус ўртоқларимиз билан шу масала юзасидан олиб борган мунозарамизни ҳаммага маълум қилиб қўйсам, уларнинг ранжимасликларини илтимос қиламан. Шуни ҳам айтиш керакки, бу гап Белоруссия раҳбарларигагина эмас, балки Эстония, Латвия ва Литва раҳбарларига ҳам тааллуқлидир.

Гап мана бундай. Белоруссия, Болтиқ бўйи республикалари ва Россия Федерациясидаги ғарби-шимолий областларнинг қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш тўғрисидаги ҳат эълон қилинганидан кейин кўпгина ўртоқлар Москвага: пул беринглар, мелиорация учун ва ботқоқ ерларни қуритиш учун капитал маблағ ажратингиз деб ёза бошладилар. Бу соҳада Белоруссия раҳбарлари айниқса катта ташаббус кўрсатдилар. Улар юборган хатларида 550 минг гектар ботқоқ ерларни қуритиш учун 106 миллион сўм, ёки эски пул ҳисобида 1 миллиард 60 миллион сўм ажратиб беришни сўрадилар. Ҳозирги вақтда Белоруссияда 6 миллион гектар ҳайдаладиган ер бор, улар эса 550 минг гектар ботқоқ ерни қуритиш учун пул ажратишни илтимос қилдилар. Биз белорусларга бундай дедик: бу пулларни химияни ривожлантириш учун сарф қилиш мақбул бўлади, шундай қилганимизда йилига тахминан 2 миллион тонна азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган қувватларни вужудга келтириш мумкин бўлур эди. Агар шу ўғитлар республикада мавжуд ҳайдаладиган ерларга солинадиган бўлса, ҳосилдорлик гектар бошига 6-7 центнер кўпайган бўлур эди. Капитал маблағларни шу тариқа ишга солиш жуда фойдали эканлиги равшан. Бундай қилганда заводлар қуриш учунгина маблағ сарфланган бўлур эди ва янги қурилаётган майдонларни ҳайдаш, тупроқни ишлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш учун қўшимча маблағ сарф қилишга эҳтиёж қолмаган бўлур эди.

Далаларга чиқариб солинадиган минерал ўғитлар миқдорини кўпайтириш йўли билан дон ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини анча ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ва мамлакатни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин.

Капитал маблағларни иқтисодий жиҳатдан энг кўп самара берадиган тармоқларга тўплаш керак. Барча раҳбар ходимлар КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ана шу йўлини тушуниб олишлари, бу йўлни астойдил турмушга татбиқ этишлари ва ҳозирги босқичда тез ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган тармоқларга маблағ ажратишни талаб қилмасликлари зарур.

Биз аввало, химия саноатини устун даражада ривожлантиришни таъмин этмогимиз керак. Нима учун шундай қилмоқ керак? Шунинг учунки, коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифалари — меҳнат унумдорлигини ошириш, жамоат бойликларини тез кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ва кенг истеъмол молларини мўл-кўл қилиш вазифалари химия ёрдами билан тез ва осон ҳал этилади.

Бизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш қандай аҳволда эканлигига бир назар солингиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини тез кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бизда озиқ-овқат маҳсулотлари Ғарб мамлакатларидагига нисбатан арзон, ҳатто Америкадагига нисбатан ҳам арзонроқдир, квартира ҳақи улардагига нисбатан анча кам. Аммо кийим-кечак, пойафзал ҳали қимматроқ. Бунинг устига ана шу молларга бўлган эҳтиёж ҳам тўла қондирилмаётир. Биз бу проблемани тез ҳал эта оламизми? Ҳа, тез ҳал эта оламиз. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун химия саноатини ривожлантириш керак. Химия саноати кишининг кийим-кечак, пойафзалларга, шунингдек мебелга ва уй-рўзғор учун керакли бошқа буюмларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун жуда кенг имкониятлар яратиб беради. Техника буюмларида табиий толаларни химик толалар билан ҳам бемалол алмаштириш мумкин.

Сунъий жун ишлаб чиқараётган корхоналар қилинган харажатларни бир ярим-икки йил ичида қоплаётганлигини менга маълум қилдилар. Бинобарин, биз химик толалар чиқаришни кўпайтириш билан жамғармаларни тез ўстириш учун шароит вужудга келтирамиз. Образли қилиб айтганда, сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқарувчи корхоналар — пул зарб қилинадиган фабрикалардир.

Биз оғир индустриянинг муҳим тармоқларидан бири бўлган химияни ривожлантириб, партия томонидан қўйилган вазифани — халқ хўжалигига кўпгина қимматли материал ва буюмлар бериш, шунингдек аҳолининг халқ истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш вазифасини тезроқ бажара оламиз. Химия саноатининг ривожлантирилиши халқ истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Бу эса ана шу буюмларнинг нархларини пасайтириш имкониятини туғдиради.

Ҳозир мен бу тадбирни қачон амалга оширажагимиз тўғрисида (гарчи бу тўғрида гапириш жуда кўнгилдагидек бўлса ҳам) гапирмайман. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, гўшт, сут, мойни мўл-кўл қилиш ва уларнинг нархларини пасайтириш йўли ҳам химияга боғлиқдир. Бу вазифани амалга оширмоқ учун далаларга минерал ўғитлар бериш керак. Биз эндиликда буни бажара оламиз.

Мен яқинда америкалик Гарст билан суҳбатлашдим. У ақлли одам ва бизга муносабати ҳам ёмон эмас. Гарст бундай деди: «Мен шу нарсага аминманки, — сизлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида 5-7 йил ичида бизга етиб оласиз. Мен бу ҳақда Америкада ҳам сўзлаб бераман. Кўрган нарсаларим мени ҳайратда қолдирди».

Ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг партия ташкилотларига юборилган хатига ғоят жиддий қараш керак. Бу хатни ўрганиш ва халқ хўжалик планини тузиш соҳасидаги ишга чинакам киришмоқ зарур.

Капитал қурилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бизда капитал маблағларни кўп объектларга сочиб юбориш каби нотўғри ва давлат манфаатларига хилоф практика ҳали бартараф қилинган эмас. Капитал маблағлар ҳозир бошлаб юборилган барча қурилишлар бўйича йил сайин оз ёки кўп даражада бир текис тақсимланмоқда, ана шу қурилишлардан қайси бири жуда муҳим эканлиги белгилаб қўйилмаётир. Кўпинча шундай бўладики, қурила бошлаган объектларни битказмай, янгиларини қура бошлайдилар. Бунда кўп маблағлар бир неча йил мобайнида ҳеч қандай манфаат келтирмай ётади ва биз муҳим объектларни ўз вақтида, қисқа муддатларда ишга тушириш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқдамиз. Бундай аҳвол планлаштиришдаги катта хатолар натижасида рўй бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига қарамай, баъзи хўжалик, совет ва партия ходимлари йўл қўйётган зарарли тенденциялар ҳали барҳам топган эмас. Ана шу зарарли тенденциялар — кўпроқ маблағ олиш ва мумкин қадар кўпроқ объектларни қурилиш планига киритишга ҳаракат қилишдан иборат.

Кўпроқ объектларни титул рўйхатларига киритишга интилиш халқ хўжалигига жуда катта зарар етказади. Баъзи бир объект 10-12 йил мобайнида қурилади, ҳолбуки, оқилона иш олиб борилганида бу объектни 3-4 йил ичида ва хатто бундан ҳам қисқа муддатда қуриш мумкин. Шундай бир оддий мисолни олиб кўрайлик. Масалан, 300 мактаб биноси қуриш керак бўлсин. Ажратилган маблағ эса фақат 100 мактаб биносини қуришга етади. Биз ҳозир кандай йўл тутмоқдамиз? Биз 300 мактаб биносини қура бошлаш учун маблағ ажратамиз ва уларни қура бошлаймиз, шу билан бирга қурилиш ишлари бир неча йил давом этади. Агар биз юз мактаб биноси қуриш учун керакли маблағнинг ҳаммасини ажратиб берганимизда бу мактаб биноларини бир йил ичида қуриб олган бўлур эдик, шундан кейинги йилда яна юз мактаб биносини, учинчи йилда эса яна юз мактаб биносини қуриш учун етарли миқдорда маблағ ажратганимизда, маблағларни сочиб юбориш практикаси давом этаётган ҳозирги пайтда беш йил ичида қилинадиган ишларни уч йил мобайнида бажариш мумкин. Мен сарфланган маблағларни бевосита қопламайдиган объектларни мисол қилиб келтирдим.

Маблағлардан корхоналар қуриш учун тўғри ва яхлит фойдаланилган тақдирда қандай натижага эришилажагини тасаввур қилиб кўрингчи. Агар биз бутун куч-ғайратимизни масалан, бу йил ишга тушириладиган лозим бўлган муҳим объектларга қаратиб, улар учун барча материаллар ва пул маблағларини, техника ва ишчи кучларини ажратиб берсак ва қурилишни битирсак, бу корхона бир йилдан кейин ишлай бошлайди ва бизнинг иқтисодий потенциалимизни кўпайтириб, тез жамғарма бера бошлайди.

Аммо кўп жойларда капитал маблағлардан ҳали мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётир. Пул ва материаллардан оқилона ва яхлит фойдаланиш ўрнига уларнинг сочиб, тарқатиб юборилишига, бекор ётишига йўл қўйилмоқда. Бундай аҳволга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас.

Совет Иттифоқида, юқорида айтиб ўтганимдек, капитал қурилишга ҳар йили жуда кўп маблағ ажратилмоқда, бу маблағлар бир неча миллиард сўмни ташкил этади. Мамлакатимиз учун қурилишга қанча маблағ ажратилаётганлигигина эмас, балки айниқса йил сайин қанча янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилаётганлиги ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Қувватларнинг оширилиши капитал маблағларнинг миқдори билангина эмас, балки энг муҳими янгидан ишга туширилаётган корхоналар, энергетика қувватларининг миқдори, корхоналарда станоклар парчининг кўпайтирилиши билан ва шу сингарилар билан белгиланади.

Кўп миқдорда капитал маблағлар ажратган ҳолда бу маблағларни жуда кўп объектларга сочиб юборилса, янги қувватлар кенг миқёсда оширилмай қолиши ҳам мумкин, чунки нечоғли кўп объект бир вақт ичида қурилаётган бўлса, битказилган янги корхоналар шу қадар кам ишга туширилади.

Масалага бундай қарашни оқилона бир иш деб аташ асло мумкин эмас. Бундай қараш зарарли бўлиб, давлатга жуда катта зиён етказади.

Ҳозирги вақтда энг муҳим объектларни танлаб олиш, капитал маблағларни ана шу қурилишларга сарфлаш керак, токи бу объектлар техника имкониятлари жиҳатидан энг қисқа муддатларда ишга туширилсин.

Капитал қурилиш планини титул рўйхатларга киритишдан бошлаб киришиш, қурилаётган ҳар бир объектни халқ хўжалик планидаги аҳамиятини белгилаш, моддий воситаларимиз қанча объектни қуриш учун кифоя қилажагини ҳисоблаб чиқиш лозим. Такрор айтаман, пул маблағларини эмас, балки моддий воситаларни ҳисоблаб чиқиш керак. Янги объектлардан қанчасини ускуналар билан таъминлаб олишимизни аниқлаш керак, токи ана шу янги объектларда қурилиш ишлари ҳам, машина ускуналарни монтаж қилиш ҳам айни бир вақт ичида тамомлансин, ишда узилиш ва бекор туришларга йўл қўйилмасин, янги корхоналар мамлакатимизга дарҳол тайёр маҳсулот етказиб берабошласинлар ва қурилиш ишларига сарфланган маблағларни тез қоплай олсинлар.

Шу вақтгача рўй бериб келган хато практикани такрорламаслик учун, моддий воситалар билан таъминлашнинг ложои бўлмаган объектларни қурабошлашга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳисоб китоблар бошлаб юборилган қурилиш ишларини тез суръатлар билан давом эттириш учун моддий ресурслар етишмаётганлигини аниқ кўрсат